Шу азиз Ватан — барчамизники!

Ишчи

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг газетаси

• 1995 ЙИЛ, 17 ФЕВРАЛЬ • 7 (201)

ҲАФТАНИНГ МУҲИМ ВОҚЕАЛАРИ

• ҚОЗОҒИСТОН пойтахти Алмати шаҳрида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатлар давлат ва ҳукумат бошлиқларининг навбатдаги учрашувида 12 мамлакат делегациялари иштирок этди. Кенгашда МДҲ ҳудудида тинчлик ва барқарорликни қўллаб-қувватлаш, ҳамдўстлик доирасида умумий илмий муҳитни тиклаш ва сақлаб қолиш чора-тадбирларини кўриш, ҳамдўстликка аъзо мамлакатлар ташқи чегараларини қўриқлашда ҳамкорлик қилиш, давлатлараро иқтисодий қўмитанинг ташкилий жиҳатларини ҳал этиш, фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 50 йиллигини нишонлаш ва бошқа масалалар муҳокама қилинди.

Музокаралар ниҳоясида МДҲ мамлакатлари ўртасида иқтисодий интеграцияни мустаҳкамлашга йўналтирилган иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маданий ва ҳарбий соҳаларда ҳамкорлик юзасидан ҳужжатлар имзоланди. Навбатдаги бундай учрашув шу йил 26 майда Минскда ўтказиладиган бўлди.

• ҚОЗОҒИСТОН пойтахти Алмати шаҳрида Ўзбекистон Республикасининг элчихонаси расмий равишда очилди.

• ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Президентининг Фармони билан республиканинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига қўшган ҳиссалари, янги техника ва илғор технологиядан самарали фойдаланишдаги хизматлари ҳамда ижтимоий ҳаётда фаол иштироки учун "Маҳаллий саноат" ва "Тошуйжойинвестқурилиш" давлат корпорацияларининг алоҳида ўрнак кўрсатган ходимларидан бир гуруҳи "Дўстлик" ордени, "Шуҳрат" медаллари ва Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиқлари билан мукофотландилар.

• ТОШКЕНТДА бўлиб ўтган Ўзбекистон дон маҳсулотлари давлат акционерлик корпорацияси кенгашининг мажлисида вазирлик ва идоралар, дон маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи акционерлик уюшмаларининг раислари, корпорацияга қарашли корхоналарнинг директорлари ва мутахассислари иштирок этишди. Мажлисда тармоқ корхоналарини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш вазифалари тўғрисидаги масала мқҳокама этилди.

• РЕСПУБЛИКА Вазирлар Маҳкамасида соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ташкилий қўмитасининг биринчи мажлиси бўлди. Мажлисни Республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари, шу қўмита раиси И.Жўрабеков бошқарди. Мажлисда Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 28 декабрда қабул қилган қарори бўйича амалга оширилаётган ишларнинг бориши ҳақидаги масалалар муҳокама қилинди ва тадбирлар белгилаб олинди.

• ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Вазирлар Маҳкамаси "Ўзбекистон Республикаси вақтли матбуот ходимлари меҳнат шароитларини яхшилаш тўғрисида" қарор қабул қилди.

• "1994 ЙИЛДА иқтисодий ислоҳотларнинг амалга оширилиши ва уларни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида" Республика Вазирлар Маҳкамасининг қарори матбуотда эълон қилинди.

• 15 ФЕВРАЛЬ куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов давлат ташрифи билан Корея Республикасига жўнаб кетди.

• ТОШКЕНТДА 1941-1945 йиллардаги урушда фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 50 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика ташкилий қўмитасининг навбатдаги мажлиси бўлди.

Қувасой чинни заводининг маҳсулотларига талаб тобора ортиб бормоқда. Чинни буюмларнинг сифатли ва безакдор тайёрланаётгани кўп жиҳатдан унинг бозоргир бўлишини таъминлаяпти. Ўтган йили қувасойликлар салкам 25 миллион сўмлик турли чиннилар ишлаб чиқардилар.

Сиз суратда кўриб турганингиз нақкош Зулфия Худоёрова ўз ишининг устаси ҳисобланади.

Ш. ОЛИМОВ (ЎзА) олган сурат.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКДА ТАШАББУС КЎРСАТИШ ВА УНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ БЎЙИЧА КЕЧИКТИРИБ БЎЛМАЙДИГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Хусусий тадбиркорликда ташаббус кўрсатиш ва уни рағбатлантириш тўғрисида" 1995 йил 5 январдаги ПФ-1030-сон Фармонини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонининг қоидаларини амалга ошириш бўйича тадбирлар режаси тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикасида хусусий тадбиркорлик тўғрисидаги Низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Республиканинг тижорат банкларига хусусий тадбиркорлик тузилмаларига уларнинг аризалари ва рўйхатдан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳномалари асосида уч кун муддатда ҳисоб-китоб счётларини очиш тавсия этилсин.

4. "Ўзулгуржибиржасавдо" уюшмаси вазирликлар, идоралар, концернлар, уюшмалар ва корпорациялар билан биргаликда товар ишлаб чиқарувчи тадбиркорларга уларнинг буюртманомаларига биноан республика корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган хомашё ва материалларни, одатда доимий фаолият кўрсатувчи ярмарка, республика товар-хомашё биржаси ҳамда "Ўзулгуржибиржасавдо" уюшмасининг бошқа улгуржи-воситачилик тузилмалари орқали шартномавий асосда сотилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикасининг вакил қилинган банкларига контрактлар, товарлар, хизматлар учун тўловларга норезидентлардан нақд муомаладаги валютани қабул қилишларига рухсат этилсин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимлари кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга кўмаклашувчи жамғарманинг ҳудудий бўлимларини шакллантиришда, ижарага бериш ёки сотиш йўли билан зарур хоналар ажратилишига ҳамда уларнинг унумли ишлаши учун тегишли шарт-шароитлар яратишда ҳар томонлама кўмаклашсинлар.

7. Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Тўлаганов) республика кўчмас мулк ва фонд биржаларини жойлаштириш учун "Правда Востока" кўчаси 10-уйда жойлашган собиқ Свердлов номидаги концерт зали биносини ажратсин.

Давлат мулки қўмитаси (Ғофуров), "Ўзсувқурилиш" давлат концерни (Ракитин) кўрсатиб ўтилган бинони реконструкция қилишни ниҳоясига етказсинлар.

8. Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 26 февралдаги 85-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида хусусий тадбиркорлик тўғрисидаги Низом ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тегишли ўринбосарларига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил, 14 февраль.

ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИК ЙЎЛИДА

СИЁСИЙ мустақилликка эришиб, эркин нафас олаётган халқимиз ижодий меҳнат жабҳаларида астасекин ўз иқтидорини намоён этмоқда. Собиқ империянинг барбод топиши билан юзага келган иқтисодий мураккабликлар фонида эришилаётган ижобий силжишлар тобора равшанроқ кўзга ташлана бошлади. Буларни, айниқса, ўтган 1994 йил якунларида яққол ҳис этиш мумкин.

Хўш, 1994 йил мамлакатимизга нималар берди?

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ўтган йил якунлари ва 1995 йилги вазифаларга бағишланган мажлисида таъкидланганидек, аввало республикада ишлаб чиқаришнинг кескин камайиб кетишига йўл қўйилмади. Халқ хўжалигининг устивор йўналишларида эса ўсишга эришилди. Бу даъволар қуйидаги рақамларда ўз исботини топади: ўтган йили мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот ҳажми 3,5 фоиз камайишига йўл қўйилган. Бу кўрсаткич Россияда 16 фоиз, Қозоғистонда 25,4, Белоруссияда 20 фоизни ташкил этган.

Ушбу кўрсаткичларни мустақиллик илк қўлга киритилган 1991 йил билан қиёсласак, фарқлар янада залворли эканини кўрамиз. Чунончи, бизда саноат ишлаб чиқариши ўша йилдаги даражадан бор-йўғи 2 фоиз кам бўлса, Россияда бу рақамлар 44 фоиз, Белоруссияда 32, Украинада 38 ва Қозоғистонда 48 фоиздан иборат бўлган.

Булар, ҳеч шубҳасиз, эркин меҳнат, мустақил ҳаёт тарзи ўз самараларини бера бошлаганини исботлаб турибди. Иккинчи томондан биз танлаган ҳамда ижтимоий ва иқтисодий жабҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотлар йўли тўғри танланганини ҳам кўриб турибмиз. 1994 йил ҳамма соҳаларда ислоҳотлар янада чуқурлашган, янги юқорироқ погоналарга ўтиш учун ишончли замин яратилган йил бўлди. Эришилган натижаларнинг энг муҳими, Президентимиз И. А. Каримов таъкидлаганидек, ислоҳотларнинг одамлар онгига таъсирида, уларнинг ҳаётини, дунёқарашларини нечоғлик ўзгартираётганидадир. Бозор иқтисодиёти ҳаётимизга чуқурроқ кириб бориши билан бутун-бутун меҳнат жамоалари, ишчилар, деҳқонлар, хизмат кўрсатиш тармоқлари ходимлари тадбиркорлик, уддабуронлик намуналарини кўпроқ намоён этмоқдалар, боқимандалик, танбаллик, лоқайдлик каби қусурлардан халос бўлиб бормоқдалар.

Давлат томонидан кенг қўллаб-қувватланаётган тадбиркорлик ҳаракати туфайли республикада ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг 50 фоизи нодавлат тармоқ улушига тўғри келмоқда. Хусусийлашган корхоналарда рақобатбардошли маҳсулотлар ишлаб чиқариш сезиларли равишда кўпайди. Бу борада илғор технологияларга, фан-техниканинг сўнгги ютуқларига асосланиб, фаолият юргизаётган қўшма корхоналар жамоалари байроқдорлик қилмоқдалар.

— Иқтисодий мустақиллик, — деб таъкидлади мажлисда Президентимиз, — аввало, ҳар бир давлатнинг ўз аҳолисини озиқ-овқат, халқ хўжалигини ёқилғи-энергетика маҳсулотлари билан таъминлаши ва чет элга экспорт қилиш имкониятлари билан белгиланади.

Бу борада келтирилган рақамлар эришилаётган ютуқларимиздан ҳар қанча фахрланишга арзигулик: илгари Россиядан 4,5 миллион тонна нефть келтирилган бўлса, 1995 йили бу маҳсулотни атиги 750 минг тонна, яъни 6 баравар кам сотиб олиш режалаштирилган. Келгуси йилдан бошлаб эса халқ хўжалиги эҳтиёжлари тўла ўз нефтимиз билан таъминланади. Бунда қашқадарёлик нефтчилар ҳиссаси катта бўляпти. 1991 йили бу ерда 2,5 миллион тонна нефть ва газ конденсати ишлаб чиқарилган бўлса, 1994 йили бу кўрсаткич 5,5 миллион тоннага етган. 1995 йили "Шўртангаз" бошқармаси 8 миллион тонна нефть ва 800 минг тонна газ конденсати ишлаб чиқаришни режалаштирган.

Илгари 5-6 миллион тонналаб ғалла четдан келтирилган бўлса, ҳозир бу кўрсаткич 3,5 миллион тоннага тенг бўлди. Гўшт ва гўшт маҳсулотлари келтириш 7 баравар камайди. Четдан келтирилаётган сут ва сут маҳсулотлари салмоғи 28 фоиздан 5 фоизга тушди. 1995—1996 йиллар мобайнида мамлакатимизда ғалла мустақиллигига асосан эришиш мўлжалланмоқда.

Ҳа, эришилган натижалар залворли, бироқ олдинда турган вазифалар ундан ҳам масъулиятлироқдир. 1995 йил — мамлакатимизда иқтисодий барқарорлаштириш йили бўлиши керак. Бунинг учун эса, хусусийлаштириш бош йўналишлардан бири бўлиб қолади. Ўртача ва йирик корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш пухта ўйлаб амалга оширилиши зарур.

Иккинчи муҳим вазифа — Республика Президенти таъкидлаганидек, — миллий валютамиз қудратини янада ошириш, инфляцияни жиловлаш, нарх-навони барқарорлаштиришдан иборат. Шу йўл билан аҳоли даромадларининг нарх-наво билан мувофиқ келишига эришилиши мўлжалланяпти.

Икки кичик жумлада акс этган юқоридаги вазифалар кўлами ғоят кенгдир. Уларни сўзсиз бажариш халқимиздан катта куч-ғайрат, маҳорат, билимдонлик, уддабуронликни талаб қилади. Мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси Ватанга, унинг равнақига сидқидилдан хизмат қилишга бел боғлаган, фидойилик намуналарини кўрсатиб меҳнат қилган тақдирда, ҳамжиҳатлик билан қилинган самарали ишлар натижасидагина қўйилган вазифалар муваффақиятли ҳал этилади.

Хуллас, олдинда нурли истиқбол йўллари ҳар қачонгидан равшанроқ кўриниб турибди. Шу йўлдан дадил одимлаётганлар сафида кўп миллионли меҳнат аҳлини жипслаштирган касаба уюшмалари ҳам бор. Истиқлолнинг мураккаб, машаққатли дамларида касаба уюшмалари ҳамиша меҳнат аҳли манфаатлари ва ташвишларига шерик, улар билан бирга. Жамиятимизнинг илғор кучлари билан ҳамкорликда улар келажаги буюк давлатни бунёд этишда фаол иштирок этмоқдалар.

Касаба уюшмалари сафларини жипслаштириш, мамлакат Президенти белгилаб берган ҳаётимизнинг ҳамма соҳаларидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш, жафокаш ва мард халқимизга садоқат ва ҳалоллик билан хизмат қилиш — ўзининг XV қурултойига қизғин тайёргарлик кўраётган Ўзбекистон касаба уюшмаларининг бош вазифалари — ана шулардан иборат.

Ўзбекистон касаба уюшмалари 70 йиллиги ва XV Қурултойи олдидан

Замин узра қор қуюни
Ёғдирганда чарх-фалак
Қиш қаҳрига эгмай бўйин
Исён қилар бойчечак

Э.ВОҲИДОВ.

ҲАРОРАТЛИ ДИЛ

ФАРҒОНА аёлларининг жуда кўпчилиги камгап, тортинчоқ бўлишади. Сафура Мўминова эса дадил, фикрини очиқ айтадиган, курашчан аёл. Мажлисларда астойдил куйиниб, ҳақ гапни ўртага ташлайди. Ташаббус билан чиқади. У кимё саноати ходимлари Фарғона вилояти қўмитасига кўп йиллардан бери раис. Одмигина кийинади, ўсма-сурмага хуши йўқ. Лекин истараси иссиқ.

— Кимё корхоналарида ишлаш осонмас, — дейди у, — кимёгарларни ҳар томонлама ҳимоя қилишимиз зарур. Вақтида маошини олсин, иш шароити соз бўлсин. Таътил вақтида санаторийларда дам олиб, даволанишсин.

Сафурахон серҳаракат, сўзида изчил. Корхоналарга тез-тез бориб, юқорида айтганларининг бажарилишига эришади. 23 минг аъзони бирлаштирган 26 та бошланғич касаба уюшма қўмитаси раислари ва корхоналар раҳбарлари билан опа-укадек чиқишиб, унмаганни ундиради.Битмаган ишни битиради. Ўзаро шартномаларнинг бажарилишига талабчанлик қилади.

... Сафура нефтни қайта ишлаш заводида ишчи, муҳандис, лаборант ва лабаратория бошлиғи муовини бўлиб 20 йил ишлади. Ана ўша пайтда у ишчининг қадр-қимматини, меҳнатини ҳис этди. Ана ўша пайтда касаба уюшмалари ишида фаоллик кўрсатди. Фарғона Политехника институтининг кечки бўлимида ўқиди, оиласини тебратиб, фарзандларини тарбиялади. Унинг ишларига, унибўсишига турмуш ўртоғи — нефть заводлари қурилишининг моҳир мутахассиси Алижон Мўминов ёрдам берди.

1986 йили вилоят касаба уюшмалари кенгашига ишга таклиф этилганидан бери Сафурахоннинг ташвишлари кўпайди, бир эмас, 26 та корхона ишчиларининг тақдири ҳақида ўйлай бошлади.

Бозор иқтисодига ўтилиши муносабати билан корхоналарда штатлар қисқариши бошланганда тинчини йўқотди. Йўқ, бу аҳволга лоқайд қараб бўлмайди. Корхона раҳбари ва бошланғич касаба уюшмаларини ишга солиб, турли ташкилотларга учраб, сим қоқиб, қўшимча меҳнат жойлари ташкил этилишига бош қўшди. "Азот" бирлашмасида тикувчилик, хонтахта, мебель ишлаб чиқарадиган цехлар очилди. Фуран бирикмалари заводида бекор туриб қолган цехни қайта жиҳозлаб, шелуханинг гидролизатидан этил спирти ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бундан турли эритма ҳамда кир ювиш воситалари тайёрланмоқда. "Рустам" бирлашмасида эса калиш, спорт кийимлари ишлаб чиқарила бошланди. Сунъий тола заводида ҳам, Қўқон суперфосфат заводида ҳам кичик корхоналар очилиб, ишчиларнинг ҳаёти муҳофаза қилинди.

Ўтган йили ёзда сунъий тола заводининг болалар оромгоҳини очиш имконияти бўлмай қолди. Шунда Сафурахон бу завод ишчиларининг фарзандларини бошқа корхоналар оромгоҳларига тақсимлаб, ҳаммасини дам олдирди. Тўртта йирик корхонанинг санаторий профилакторийсида барча кимёгарларнинг имтиёзли йўлланмалар билан дам олиб даволаниши йўлга қўйилган.

Бу тиниб-тинчимас аёл бошланғич қўмиталар мажлисларида қатнашишга вақт топади ва ҳар гал бирон ташаббусни ўртага ташлайди. Корхоналар раҳбарлари ҳам унинг фикрини кўпинча қўллаб-қувватлаб, ишчиларнинг ижтимоий ҳимоясидан маблағни аяшмайди. Ана шунинг натижасида нефтни қайта ишлаш бирлашмасида аёлларга боласи уч ёшга тўлгунга қадар энг кам иш ҳақи миқдорида нафақа тўланадиган бўлди. 3-5-10 йиллик меҳнат стажига эга бўлган ишчиларга 2-4-6 кундан қўшимча таътил берилади. Пенсияга чиқаётган ишчи эса 10-15 ёки 20 йиллик стажига эга бўлса 3-5 ёки 10 ойлик иш ҳақи билан мукофотланади. Касби билан боғлиқ касалликка учраса, ногиронлик ёки қарилик пенсиясидан ташқари ой сайин ёрдам берилади ва ҳоказо. Бошқа кимё корхоналарида ҳам шунга ўхшаш имтиёзлар бор.

— Корхоналарнинг ёрдамчи хўжаликлари ишини ҳам янада ривожлантиряпмиз, — дейди Сафурахон, — чунки ҳозирги кунда имкон қадар ҳаракат қилиш керак. Ёрдамчи хўжаликларимизда 1934 бош қорамол, 1834 бош қўй бор. Сутқатиқ, гўшт ҳар ҳолда ўзларидан чиқади. Боғлар, экинзорлардан ҳосил олиниб, ишчиларга бериляпти. Қийинчиликларга қарамай маданият саройлари, спорт залларида, стадионларда машғулотлар, мусобақалар бўлиб турибди. Биз корхоналарни хусусийлаштириш ишларига ҳам аралашиб масаланинг адолатли ҳал бўлишига, ишчиларнинг оғир аҳволга тушиб қолмасликларига эришяпмиз. Ўтган йили 4 та корхона ҳиссадорлик жамиятига айлантирилди. Бу йил яна бешта корхонада тайёргарлик кетаяпти.

Жонкуяр ва курашчанлигингиз боқий бўлсин, Сафурахон, меҳнаткаш халқнинг касбини ҳимоя қила оладиган сиздек инсонлар дили доим ҳароратга, билаги ғайратга тўлаверсин.

Санъат МАҲМУДОВА,
"Ишонч" мухбири.

КАСАБА УЮШМАСИ ЙИЛНОМАСИДАН

ДЕКАБРЬ. Касаба уюшмаларига қарашли "Буревестник", "Локомотив". "Зенит", "Меҳнат", "Спартак" кўнгилли спорт жамиятлари 48 стадион, 224 спорт зали, 42 чўмилиш ҳовузлари, 2300 волейбол, баскетбол, қўл тўпи ўйинлари майдончаларига эга эдилар.

Шу йили Ўзбекистон касаба уюшмалари Кенгаши, республика комсомоли Марказий Кўмитаси ва Ўзбекистон давлат стандарти ташкилотлари биргаликда сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш соҳасини ҳамжиҳат бошқариш ва давлат белгиси қўйиладиган сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини оширишни ташкил этиш бўйича республика кўриги ўтказишди.

1978 ЙИЛ, СЕНТЯБРЬ. Тошкентда Осиё мамлакатлари савдо ходимлари касаба уюшмаларининг халқа семинари бўлиб ўтди.

Тошкентда Бутуниттифоқ касаба уюшмалари Марказий Қўмитасининг меҳнатни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институти филиали ташкил этилди.

1979 ЙИЛ, ЯНВАРЬ. Ўзбекистон касаба уюшмалари бу маҳаллар ўзининг 5023 минг аъзосига эга эди.

Республика касаба уюшмаларининг 24 миллион кишига хизмат кўрсата оладиган 1554 та муқим ва кўчма киноқурилмаси ишлаб турарди.

1980 ЙИЛ, 4 ЯНВАРЬ. Тошкентда Ўзбекистон касаба уюшмалари Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда болаларни дам олишини ташкил этишга ва ўқишдан бўш пайтларида ижодкорлик билан шуғулланишларга шароит яратиб беришда республика касаба уюшмалари Кенгаши олдида турган вазифалар муҳокама қилинди.

ФЕВРАЛЬ. Бу даврга келиб республикада 830 та касаба уюшмалари клублари, саройлари, маданият уйлари ва 1026 та оммавий кутубхоналар ишлаб турган.

ДЕКАБРЬ. Бир йил давомида касаба уюшмалари раҳбарлигида республикада олти мингдан ортиқ доимий ҳаракатдаги ишлаб чиқариш йиғилишлари (ДҲИЧЙ) ўтказилди.

1981 ЙИЛ, 1 ЯНВАРЬ. Ўзбекистон касаба уюшмалари бу пайтда ўз сафларига 5.700 минг аъзони бирлаштирган бўлиб, улар 34411 бошланғич ташкилотга бирлашган эдилар.

10 АПРЕЛЬ. Тошкент трактор заводининг Маданият саройида Ўзбекистон касаба уюшмалари Кенгаши Ўзбекистон кинематографчилар уюшмаси билан биргаликда ташкил қилган "Экранда меҳнат кишиси" мавзуида республика кинофестивали очилди. Икки ой мобайнида республика касаба уюшмаларининг кино залларида меҳнат кишилари ҳақидаги энг яхши фильмлар намойиш қилинди.

АПРЕЛЬ. Ўзбекистон касаба уюшмалари Кенгаши "Совет Ўзбекистони", "Правда Востока" газеталари, Соғлиқни сақлаш, Савдо вазирликлари ва "Ўзбекбирлашув" билан ҳамкорликда давлат савдоси ва матлубот кооперацияларининг умумий овқатланиш корхоналари ўтказган кўрик-конкурснинг якуни чиқарилди. Республика кўрик-конкурснинг ғолиблари орасида Наманган умумий овқатланиш трестининг "Гулистон" кафеси, Бухоро тўқимачилик комбинати тўқув фабрикасининг 2-ошхонаси, Тошкент электрон техника заводининг 8-ошхонаси, Андижон вилояти Шаҳрихон шаҳридаги 9-ошхоналар бор эди.

9 ИЮЛЬ. Тошкентда ишлаб чиқариш режаларини бажариш, маҳсулот турларини кўпайтириш, кенг истеъмол моллари сифатини ошириш, аҳолига савдо хизмати кўрсатишни яхшилашда касаба уюшмалари ташкилотлари олдида турган вазифаларга бағишланган республика касаба, уюшмалари фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Наманган вилояти, Косонсой шойи тўқиш ҳиссадорлик бирлашмаси ишлаб чиқараётган етти турдаги маҳсулотнинг таърифи қисқа муддат ичида қўшни вилоят ва республикаларга ҳам ёйилиб кетди. Айниқса сочиқ тўқиш цехининг маҳсулотлари ҳаридоргирлиги билан машҳурдир.

Суратда: рассом Абдухотам Қодиров билан назорати Атқиё Болтабоев тайёр маҳсулотни кўздан кечиришмоқда.

Т.Маҳкамов олган сурат.

ИБРАТЛИ ФАОЛИЯТ

Инсон ҳуқуқларини, меҳнатини муҳофаза этиш жараёнида меҳнаткашлар таянчи сифатида касаба уюшмалари муҳим ўрин тутади. Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмалари Навоий вилояти қўмитасининг бу борадаги ибратли фаолияти ҳақида ҳикоя қиламиз.

Чориқул Қодиров вилоят ташкил этилгандан буён шу тармоқда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича бош техника нозири бўлиб ишлаб келади. Чориқул техника — таъмирлаш устахоналарида, саноат ва транспорт корхоналарида, жамоа хўжаликларида, чорвадорлар орасида кўп бўлади. Техника нозирининг тиниб-тинчимаслиги, жонкуярлиги одамлар тақдирига ғамхўрлиги туфайли вилоятда кейинги йиллар ичи иш пайтида жароҳатланиш ҳодисалари кескин камайган.

Ишлаб чиқаришда касб касалликларини келтириб чиқарувчи сабабларни бартараф этишга айрим корхона ва хўжалик раҳбарлари эътибор бермайдилар. Оқибатда кишилар оғир дардга учраб, хасталаниб қоладилар. Бундай пайтда касаба уюшмаларининг сезгирлиги ва ғамхўрлиги, кези келганда талабчанлиги, мавқеи муҳим роль ўйнайди. Шу асосда касб касаллигига учраганлар енгилроқ ишга ўтказилиши мумкин. Ўтган йили 100 дан зиёд ишчи енгил ишга ўтказилиб, даволаниш учун уларга касаба уюшмалари томонидан моддий ёрдам уюштирилди.

Ишчи-хизматчиларга қулай меҳнат шароитлари яратиб берилиши, меҳнат муҳофазасини таъминлаш мақсадида корхоналарда ўтган йилнинг ўзида 368 миллион сўм сарфланди.

Чунончи, Хатирчи туманидаги Амир Темур ва Навбаҳор туманидаги Навоий номли жамоа хўжалигида янги машина трактор парки, Навбаҳор туманидаги "Наврўз" жамоа хўжалигида чорвадорлар учун барча шарт-шароитлар яратилган. Дам олиш хонаси, Навоий дон ва дон маҳсулотлари комбинатининг тегирмон цехида 90 кишига мўлжалланган кийим алмаштириш хонаси, дон комбинатида ишчилар ошхонаси ва бошқа бир қатор маданий-маиший бинолар қурилиб, меҳнаткашлар ихтиёрига топширилган.

Агросаноат мажмуи касаба уюшмалари вилоят қўмитасининг йил бошида бўлиб ўтган йиғилишида Қизилтепа туманидаги Навоий номли жамоа хўжалигида оналар ва болалар сиҳатгоҳи барпо этишга қарор қилинган эди. Вилоят касаба уюшмалари кенгаши бу қарорни маъқуллаб, қурилишга 8 миллион сўм маблағ ажратди.

Бундай ибратли ва эзгу ишлар меҳнат кишилари ҳаётининг мароқли бўлишига замин бўлади.

Ризо ХУДОЙҚУЛОВ,
"Ишонч" мухбири.

КАСАБА УЮШМАЛАРИДА

УСЛУБИЙ ЁРДАМ ОЙЛИГИ

НАМАНГАН вилояти касаба уюшмалари кенгаши бошланғич ташкилотларга услубий ёрдам ойлиги эълон қилди. Бунинг боиси Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг янги Дастури ҳали қуйи звеноларга тўлиқ етиб бормаганлигида. Қолаверса, барча бўғин касаба уюшма ташкилотларида бўлиб ўтган мажлис ва сайловларда қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини, таъминлаш билдирилган танқидий фикрлардан зарур хулосалар чиқаришни тақозо этмоқда. Мазкур тадбирнинг бош вазифаси дастур мазмунини барча касаба уюшма фаолларига етказиш билан бошланғич ташкилотларнинг навбатдаги ишларини режалаштиришдир.

Ана шу мақсадга қаратилган биринчи тадбир Наманган туманида ўтказилди. Вилоят касаба уюшма кенгаши ходимлари ва тармоқ касаба уюшмаси қўмиталари дастлаб бошланғич ташкилотлар фаолиятини яхшилашга услубий ёрдам кўрсатдилар. Иккинчи куни эса шу масала бўйича семинар-кенгаш ташкил этилди. Касаба уюшма фаолиятига оид қатор маърузалар тингланди. Шу каби тадбир Задарё туманида ҳам уюштирилди. Умуман мазкур ойлик давомида вилоятдаги мавжуд 2700 бошланғич касаба уюшма ташкилоти раиси билан юзма-юз учрашиш кўзда тутилган.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,
"Ишонч" мухбири.

ИЗЛАНИШ САМАРАСИ

Сурхондарё вилояти касаба уюшмалари кенгаши меҳнаткашлар манфаатини ҳимоя қилишнинг турли воситаларидан самарали фойдаланишмоқда. Вилоят меҳнаткашлари соғлиғини асраш, сайр-саёҳатларга жалб этиш йилдан-йилга яхшиланиб бораяпти.

Мавжуд қийинчиликларга қарамай, вилоят касаба уюшмалари кенгаши ўтган йили ҳам сиҳатгоҳларни сақлаб қолиш ва меҳнаткашларни соғломлаштириш ишларини етарли маблағ билан таъминлаб туришга эришди. Натижада йилнинг фақат тўққиз ойида 3413 киши санаторий ва дам олиш уйлари, 1700 киши профилакторийда даволанди, 1000 ишчи-хизматчи парҳез таомлар учун йўлланмалар олишди.

Вилоятда йил давомида 2000 киши йўлланмалар билан сайр-саёҳатда бўлишди. Уларнинг 900 нафари чет элларда, 180 нафари республикамизнинг тарихий шаҳарлари, 920 нафари эса вилоятдаги хушманзара жойларда бўлиб, қадимий обидаларни зиёрат қилишди.

Сурхон воҳасининг табиати, иқлими ҳузурбахш, тарихий обидаларга бойлиги билан ажралиб туради. Вилоятда жаҳон тарихи ва маданиятини ривожлантиришга беқиёс қўшган улуғ ҳадисчиларимиз Исо ат-Термизий, Ал-Ҳаким ат-Термизий ва бошқа кўпгина алломаларнинг муқаддас мақбаралари жойлашган. Булардан ташқари Жарқўрғон минораси, Фаёзтепа, Султон-Саодат, Қирққиз, Далварзинтепа сингари тарихий обидалар ҳам борки, барчаси саёҳатчилар диққат-эътиборини ўзига жалб қилади.

Саломжон МЕНГНОРОВ,
"Ишонч" мухбири.

Ҳисобот — сайловлар

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯНИНГ БОШ МАНБАИ

Касаба уюшмалари Самарқанд вилоят кенгаши кейинги йилларда янги шартномавий муносабатларни қарор топтиришда, бозор иқтисодиёти шароитида меҳнаткаш аҳоли табақаларининг манфаатларини ифодалаш, ҳимоя қилишда ўз иш услубини тубдан ўзгартирмоқда.

Маълумки, аввал-аввалдан касаба уюшмаларининг бош вазифаси меҳнаткашларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя этишдан иборат бўлиб келган. Бугун мазкур масалаларнинг аҳамияти кескин ошаётир. Бу борада хўжаликлар, ташкилотларнинг касаба уюшмалари билан тузилган битимлар ҳамда жамоа шартномалари муҳим аҳамият касб этаётир. Мана, 1990 йилдан бери касаба уюшмалари вилоят кенгаши ва вилоят ҳокимлиги ўртасида битим имзоланиб келинмоқда. Мазкур битим ва жамоа шартномаларига асосан корхона ва касаба уюшмаларининг маблағлари ҳисобидан бериладиган имтиёзлар, тўловлар биринчи навбатда энг муҳтож кишиларга ажратилади. "Сопол" ҳиссадорлик жамияти, "Туртранс" автосаройи ва бошқа жамоаларда хотин-қизларнинг иш куни бир соатга қисқартирилди. Вилоят босмахонаси, спорт қайиқлари ишлаб чиқариш заводида эса ўн тўрт ёшгача боласи бор аёлларга ҳақ тўлаш билан қўшимча меҳнат таътиллари жорий этилди. Кўпчилик меҳнат жамоаларида ходимлар бепул транспорт хизматидан фойдаланишаяпти.

Кўплаб ногиронлар, меҳнат фахрийлари санаторий, дам олиш уйлари, болалар оромгоҳларида бепул ҳордиқ чиқариб, даволанишди. Айни пайтда аксарият корхоналар ўз ходимларининг болалари учун мактаб кийимлари сотиб олишга маблағ ажратишни кўзда тутишган. Бу ибратли ташаббусни Челак ва Жума пахта тозалаш заводлари бошлаб беришди. Ургут туманидаги Навоий номли жамоа хўжалиги бошқаруви эса мактабда "аъло" ва "яхши" баҳолар билан ўқиётган ўқувчилар учун махсус стипендиялар таъсис этди.

Кўпгина хўжаликлар, корхона ва ташкилотлар мавжуд молиявий қийинчиликларга қарамай ходимлар учун турар-жой бинолари барпо этишмоқда. Қурилиш, алоқа ходимлари касаба уюшмалари қўмиталари билан биргаликда Самарқанд уйсозлик комбинати, "Саноатқувватмонтаж" бошқармалари, Кимё саноати қурилиши трести ва бир қатор алоқа корхоналарида ҳақ тўлашнинг ягона тариф жадвали жорий қилинди, мукофотларни одилона тақсимлаш масалалари ижобий ҳал этилди.

Ишсиз қолган кишиларни иш билан таъминлаш, янги иш жойлари яратиш бўйича ҳам бир қанча тадбирлар амалга оширилди. Ноҳақ ишдан бўшатилган 150 дан зиёд ишчи-хизматчи ўз ўринларига тикланди. Булунгур туманидаги Улуғбек номли ижара хўжалиги аъзоси А. Маллаев, Гўзалкент туманидаги 2-ўрта мактаб ўқитувчиси К. Хуррамова унинг турмуш ўртоғи Т. Ўраев турли муддатларда мажбурий ишсизлик азобини тортдилар. Вилоят нефть маҳсулотлари бирлашмаси ҳамда унинг сифати бўйича давлат назорат идорасининг 11 ходими лавозимлари қонунга хилоф равишда қисқартириб юборилган.

Меҳнаткашлар ҳуқуқлари бузилишининг яна бир йўналиши — меҳнат таътилларининг ўз вақтида берилмаслигидир. Самарқанддаги 14-автокорхона, "Зарафшон" спиртли ичимликлар ишлаб чиқариш заводи, "Чашма" жамоа корхонаси ва бошқа бир қатор ташкилотларда ишловчилар икки йиллик ва ундан зиёд муддатдаги меҳнат таътилларидан фойдаланмаганлар. Бу каби камчиликлар касаба уюшмалари ҳамда прокурорлик аралашуви билан барҳам топди. Шу ўринда меҳнат низомларини кўриб чиқувчи комиссиялар талаб даражасида ишламаётганини ҳам таъкидлаш керак. Ҳатто "Боғишамол" ҳиссадорлик савдо ишлаб чиқариш жамиятида, вилоят нефть маҳсулотлари таъминоти бирлашмасида бундай комиссиялар тузилмаган.

Меҳнатни муҳофаза қилиш касаба уюшмаларининг асосий вазифаларидан биридир. Бироқ, бу борада ҳам ҳар доим ҳозиржавоблик қилинаяпти, деб бўлмайди. Корхоналарда меҳнат хавфсизлигини таъминлаш, янги иш жойларини қабул қилиб олишда иштирок этишга эътиборсизлик билан қаралмоқда. Меҳнат муҳофазаси бўйича қонунбузарликларни ҳал этишда аксарият ҳуқуқ ҳимояси ташкилотларига суяниб қолинмоқда. Ишлаб чиқаришда ногирон бўлганлар ҳамда хизмат вазифасини бажараётган пайтда ҳалок бўлганларнинг оилаларига товон тўлаш ва бир марта бериладиган нафақаларни ундириб беришда касабақўмлар фаоллик қилмаяпти. Касаба уюшмалари меҳнат муҳофазасида қарор топган бу нохуш вазиятни ўзгартиришга интилиши шарт.

Вилоят касаба уюшмаларияро XXI қурултойи ана шу каби долзарб масалаларни ўртага ташлагани билан муҳим аҳамият касб этди. Шунингдек, ҳисобот-сайлов анжуманида меҳнаткашлар саломатлигини ҳимоя қилиш, ижтимоий суғурта тизимини янада такомиллаштириш, санаторий-профилакторийлар ишини яхшилаш борасида қилинган ишлар ҳам тилга олиб ўтилди.

Анжуманда сўзга чиққанлар касаба уюшмалари кенгашларининг ишини янада жонлантириш, унинг таъсирчанлигини ошириш билан боғлиқ таклиф мулоҳазаларини ўртага ташладилар.

Конференция қатнашчилари М. Боқиевани касаба уюшмалари вилоят кенгашининг раиси этиб сайладилар.

Шунингдек Ўзбекистон касаба уюшмаларининг XV қурултойига вакиллар сайланди.

Конференцияда вилоят ҳокими П. Абдураҳмонов, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси Ҳ. Жамолов қатнашдилар.

Ў. АБДУРАҲИМОВ,
"Ишонч" мухбири.

ЎХШАШ ТАРМОҚЛАР БИРЛАШДИ

Бир қатор мамлакатларда тармоқ касаба уюшмалари биздагидек кўп эмас 14, 15 ё 16 тани ташкил этади. Хусусан, геология, нефть-газ ва кўмир саноатларида ишлайдиган ишчилар битта тармоқ касаба уюшмасига қарашади. Ўзбекистонда улар алоҳида-алоҳида Марказий Қўмиталар сифатида мустақил иш кўришарди.

Ўзбекистон геология, геодезия ва картография ходимлари, нефть ва газ, кўмир саноати ходимлари касаба уюшмаларининг айрим-айрим ўтган қурултойларида улар бир ягона тармоққа ихтиёрий бирлашишга қарор қилдилар.

Геолог, геодизист ва картографлар II қурултойида тармоқ касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси раиси А. Ашуралиев соҳа меҳнаткашларининг ҳисобот давридаги ишлари якунлари ҳақида маъруза қилди.

Тармоқда меҳнаткашлар турмуш шароитларини яхшилашга алоҳида эътибор берилди. Марказқўм Ўзбекистон геология ва минерал ресурслар Давлат қўмитаси билан тузилган ўзаро Битим асосида иш юритиб, соҳа меҳнаткашларининг иш ҳақларини ошириш, рўзғори учун зарур қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ёрдамчи хўжаликларда етиштириш, уй-жой муоммосини ҳал этиш, ходимлар ва уларнинг фарзандлари дам олиши, саломатликларини тиклашини таъминлашдек энг муҳим вазифаларни моҳирона ҳал этиб келмоқда. Ҳозирда геологларнинг ўртача ойлик маошлари 767 сўмни ташкил этади. Уни янада ошириш чора-тадбирлари изланмоқда. Қўшимча даромад топиш мақсадида чет эллар билан ҳамкорликда қўшма корхоналар бунёд этилмоқда. Бу янги иш ўринларини яратиш имконини ҳам беради. Ўтган йили 11 минг ишчининг ҳақ тўланадиган меҳнат таътиллари узайтирилди, уларга тўлаш учун корхоналар 7,3 миллион сўм маблағ ажратдилар. Уч ёшгача боласи бўлган оналарга қўшимча имтиёзлар берилди. Ҳозирда тармоқда 28 та ёрдамчи хўжалик бўлиб, уларда 1000 бошга яқин қорамол, 7,5 мингдан ортиқ қўй ва эчки, 2309 бош чўчқа боқилмоқда.

Маърузачи ўтган тўрт йил мобайнида 40 минг квадрат уй-жой қурилганини, бу билан мингдан ортиқ оилага уй-жой шароитларини яхшилашга имкон берганини айтди. Идораларга қарашли уйларнинг 57 фоизи хусусийлаштирилиб, 5441 квартира соҳа меҳнаткашларига хусусий мулк қилиб берилди. Ҳисобот даврида "Геолог" номлари билан 50 ва 100 ўринли иккита санаторий-профилакторий ишга туширилди.

Ўзбекистон нефть ва газ тармоқлари саноати ҳамда қурилиш ходимлари касаба уюшмасининг бўлган қурултойида Марказқўм раиси Ў. Мирҳабибовнинг ҳисоботи тингланди. Ўзбекистонни нефть ва газ билан таъминловчи бу соҳа ходимларининг меҳнатлари жуда қийин ва мураккабдир. Лекин шунга қарамай ўз касбининг фидойилари мамлакатимизнинг ёқилғига бўлган эҳтиёжини қондиришдаги хизматлари эвазига давлат ва касаба уюшма ташкилотлари томонидан ҳар томонлама қўллаб қувватланмоқдалар.

Тармоқ касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш борасида муайян ишларни амалга оширди. Марказқўм бирлашмалар, корхоналар ва ташкилотларни Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил декабрдаги қарори билан тасдиқланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф жадвалига ўтказишда фаол қатнашди. "Ўзбекнефтьгаз" миллий корпорацияси билан Қўмита қарор қабул қилиб, Меҳнат вазирлиги билан келишилган ҳолда тармоқда ойлик иш ҳақининг ягона энг кам даражаси белгиланди.

1990—1995 йиллар даврида меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлигига тааллуқли бўлган тадбирларга 4,5 миллион сўм сарфланди. Тармоқ касаба уюшмаси меҳнат техник нозирлиги, жамоатчи нозирлар ҳисобот даврида 325 корхона ва ташкилотни текширишди, 850 талабнома топширишди. Ишлаб чиқаришдаги 254 та бахтсиз ҳодисани текширишда қатнашишди. Меҳнатни муҳофаза қилиш қонун ва қоидаларини бузганлиги сабабли жиноий жавобгарликка тортиш учун 98 ходим устидан ҳуқуқни ҳимоя қилиш органларига материаллар жўнатилди. 106 муҳандис-техник ходим ишдан бўшатилди, 162 кишига жарима солинди. Фойдаланишда хавфли бўлган 422 дастгоҳ, машина ва ускунанинг, 91 участка ва цехнинг иши тўхтатиб қўйилди.

Бироқ тармоқ корхоналари ва ташкилотларининг касаба уюшма қўмиталари меҳнатни муҳофаза қилишга ва ижтимоий-иқтисодий масалаларга доир битимларнинг, жамоа шартномаларининг ҳимоявий вазифаларини амалга оширишга ҳамон етарлича аҳамият бермаяптилар.

Ўзбекистон кўмир саноати ходимлари касаба уюшмаларининг бўлган қурултойи ҳисобот даврида тармоқ меҳнатчиларининг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатлари қай даражада ҳимоя қилинганлиги якунини чиқарди.

Тармоқ касаба уюшмаси қўмитаси раиси Р. Турдиалиев ҳисоботида таъкидланганидек, кўмирга бўлган эҳтиёж ҳамон ортиб бораяпти. Ангрен кони шахтёрлари ўз режаларини уддалаш учун барча имкониятларни ишга солмоқдалар. Жигаристонда рўй берган бахтсиз ҳодиса шахтёрлар ҳаётида ўчмас из бўлиб қолди. Янги уй-жойлар бунёд этиш, кончиларнинг меҳнат шароитларини яхшилаш, меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлигини таъминлаш бобида бир қатор тадбирлар амалга оширилди. Лекин кўмир қазиб олиш техникаларини янгилаш, уларни бир маромда ишлашига эришишнинг иложи бўлмаяпти.

Уч тармоқнинг бўлган уч қурултойида ҳисобот маърузалари юзасидан сўзга чиққанлар аввало меҳнат кишисига ғамхўрликни кучайтиришни, инсонни асраб авайлашни, меҳнатини муносиб тақдирлашни уқтириб ўтдилар. Ечимини кутаётган муаммоларни кўтардилар, тармоқларни бирлашишини маъқулладилар.

Қурултойларда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди. Уч тармоқ касаба уюшмаларининг бирлашув қурултойига вакиллар сайланди.

Ҳар бир тармоқдан 20 тадан сайланган 60 вакил бирлаштирувчи таъсис қурултойига тўпландилар. Қурултойни Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Т. Собитов олиб борди. Унда Ўзбекистон геология, кўмир, нефть ва газ саноати ходимлари касаба уюшмаси ташкил этилди. Бирлашган ягона тармоқ касаба уюшмасининг Низоми тасдиқланди, ҳаракат Дастури маъқулланди, Марказий Қўмитаси аъзолари сайланди. Шунингдек, вакиллар тафтиш комиссияси таркибини, Марказқўм раёсатининг аъзоларини, Ўзбекистон касаба уюшмаларининг XV қурултойига делегатларни ҳам сайладилар.

Қурултойда очиқ овоз бериш йўли билан Алижон Ашуралиев Ўзбекистон геология, кўмир, нефть ва газ саноати ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси раислигига, Ўткир Мирҳабибов раиснинг биринчи ўринбосарлигига, Рустам Турдиалиев ўринбосарликка сайландилар.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси Ҳулкар Жамолов, раис ўринбосари Қудратилла Рафиқов қурултой ишида қатнашдилар.

"Ишонч" мухбири.

ЯКДИЛ ФИКР ВА МАНФААТЛАР

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши VIII мажлиси қарори асосида бир қатор тармоқ касаба уюшмалари бирлашишлари кўзда тутилган эди. Жумладан, илмий-ижодий кучлар ва маблағларни марказлаштириш мақсадида фанлар академияси касаба уюшмаси билан халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмасининг бирлашиши мақсадга мувофиқ деб топилди.

Яқинда бўлиб ўтган халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмасининг II қурултойида айнан шу масалалар кўрилди. Тармоқ касаба уюшма Марказий Қўмитаси раиси Е. Файзуллаев маърузасида ҳисобот давридаги ишларга баҳо бериб айтдики, республикамизда рўй бераётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар касаба уюшмалари олдига халқ таълими ходимларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш ва бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида мўътадил турмуш шароитларини яратиш учун жуда катта вазифаларни қўймоқда. "Таълим тўғрисида"ги Қонун ижроси дастлабки натижаларини бераяпти. Кейинги икки йил ичида республикада 300 дан ортиқ мактаблар қуриб ишга туширилди. 195 та мактаб лицей ва гимназияларга айлантирилди. Кечки мактаблар тизими ҳам ўзгартирилди. 450 дан ортиқ болалар боғчаси бунёд этилди. Ўнлаб боғчалар боғча-гимназияга, боғча-мактаб комплексига айлантирилди.

Вилоятларда ўнлаб олий ўқув юртлари ташкил топди. Олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг моддий-техника базаларини ривожлантиришга бюджет ҳисобидан 90 миллион сўмдан зиёд маблағ ажратилди, натижада қўшимча 101,2 минг квадрат метр ўқув лабаратория майдонлари ишга туширилди.

Ўтган давр мобайнида Президентимиз фармонларининг асосий қисми халқ таълими ва фан ходимларини ижтимоий-иқтисодий ҳимоялашга қаратилган бўлиб, кейинги икки йилнинг ўзида халқ таълими ходимларининг ойлик маошлари 15 марта оширилди. 120 мингдан ортиқ педагог ходимлар уй-жойларини бепул хусусийлаштиришга эришдилар, 35 минг ходим уй-жой қуриш учун ер участкалари олдилар, ярим миллионга яқин маорифчилар коммунал хизматлардан имтиёзли фойдаланмоқдалар, 20 минг ўқитувчи эса имтиёзли нафақага чиқиш учун ҳужжатларни расмийлаштириб қўйдилар.

Ўқитувчиларнинг транспортдан бепул фойдаланишларини ташкил этиш бўйича аниқ чоралар ҳам кўрилди.

Касаба уюшмалари олдида турган асосий вазифалардан яна бири ёшларга ва талабаларга эътиборни кучайтиришдан иборатдир. Тармоқдаги 43 та олий, 87 ўрта махсус ўқув юртларида 150 мингдан ортиқ талаба ва ўқувчи таҳсил олмоқда. Ҳукуматимиз уларга ўқув шароитларини яратиш, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш бўйича катта ишларни амалга оширмоқда. Сўнгги йилларда талаба ва ўқувчилар стипендиялари 15 марта оширилди.

Маърузачи халқ таълими ва фан ходимлари ҳамда талабаю ўқувчиларнинг дам олишлари, соғлиқларини мустаҳкамлашлари учун қилинаётган ишларни ҳам таъкидлаб ўтди.

Қурултойда тафтиш комиссияси раиси Р. Валижоновнинг ҳам ҳисоботи тингланди. Музокаларда қатнашганлар тармоқда счимини кутаётган қатор муаммолар борлигини, бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорона иш тутишнинг янгича йўллари ҳақида гапирдилар.

Қурултой қатнашчилари Марказий Қўмита фаолиятини қониқарли топиб, тафтиш комиссияси ҳисоботини ҳам тасдиқладилар, Марказий Қўмита аъзоларини сайладилар.

Қурултойда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси ўринбосари Қ. Рафиқов қатнашди ва нутқ сўзлади.

Янги сайланган Марказий Қўмитанинг бўлиб ўтган мажлисида тармоқларни бирлаштирувчи таъсис қурултойига вакиллар сайланди.

Ўз сафига 10 мингдан ортиқ олим ва илмий ходимларни бирлаштирган Фанлар академияси касаба уюшмасининг II қурултойида ҳам ҳисобот даври ишлари таҳлил этилди. Қўмита раиси Й. Абдуғаниев ҳисобот маърузасида академиянинг фан оламидаги нуфузи, халқ хўжалиги тараққиёсига қўшаётган ҳиссаси, олимларнинг ижтимоий муҳофазаси масалаларига кенг ўрин берилди. Қўмита Фанлар академияси Раёсати билан ҳар йили тузиладиган жамоа шартномаси асосида иш кўради, шартнома бандларини бажарилишини изчил кузатиб боради.

Ҳисобот даврида тармоқ касаба уюшмаси "Фан" ходимлари бутун дунё Федерациясига аъзо бўлди. Шунингдек, Марказий Осиё Фанлар академияси касаба уюшмалари ўртасида Кенгаш тузилиб, унга ўз фаолиятини мувофиқлаштириб олди.

Ўтган тўрт йил мобайнида ходимлар учун 224 квартирадан иборат учта уй қурилиб, фойдаланишга топширилди. Ташкил этилган ёрдамчи хўжаликларда етиштирилаётган маҳсулотларни академия ходимларига арзон нархда сотиш йўлга қўйилган. Тармоқда илм аҳлининг дам олиши ва соғлиғини мустаҳкамлаш учун зарур тадбирлар амалга оширилаяпти.

Маъруза юзасидан сўзлаганлар олимларга Президент айтганидек, эътиборни кучайтириш зарурлигини алоҳида таъкидлаш билан бирга амалга ошмай қолган режа ва мақсадларга кенгроқ тўхталдилар.

Қурултойда кўрилган масала юзасидан қарор қабул қилинди. Таъсис қурултойига вакиллар сайланди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раисининг муовини М. Тўлаганова қурултойда қатнашди ва нутқ сўзлади.

x x x

Ўзбекистон халқ таълими ва фан ходимлари ҳамда Фанлар академияси ходимлари касаба уюшмаларининг бирлашишига бағишланган таъсис қурултойига ҳар икки тармоқдан сайланган 70 вакил иштирок этди. Қурултой қатнашчилари бирлашиш ҳақидаги қарорни қабул қилдилар, ягона тармоқнинг номи Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси деб номланди.

Таъсис қурултойи янги бунёд бўлган касаба уюшмаси Низоми билан ҳаракат Дастурини қабул қилди.

Таъсис қурултойида Й. Абдуғаниев муқобил тарзда ёпиқ овоз билан янги касаба уюшма Марказий Қўмитаси раиси этиб сайланди. Е. Файзуллаев раиснинг биринчи ўринбосари, А. Султонов ўринбосар этиб сайландилар.

Шунингдек, вакиллар Марказқўм раёсатини, тафтиш комиссиясининг таркибини, Ўзбекистон касаба уюшмалари XV қурултойига вакилларни сайладилар.

Таъсис қурултойини Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси Ҳ. Жамолов олиб борди ва нутқ сўзлади. Раис ўринбосарлари Қ. Рафиқов, М. Тўлаганова, З. Қодиров қурултойда иштирок этдилар.

Тожибой АЛИМОВ,
"Ишонч"нинг махсус мухбири.

ОИЛА ХАРАЖАТЛАРИНИНГ ТАРКИБИ

Абдуқодир ўғли Абдусадир,
иқтисод фанлари доктори, профессор.

Оила харажатларининг таркиби деганда, оиланинг маълум вақтдаги бир ой, чорак, ярим йил, бир йил сарф турларининг барча харажатларга нисбатан салмоғи тушунилади.

Харажат таркибини ҳисоблаб чиқишнинг амалий аҳамияти катта. Аввало, харажат таркиби орқали оила ўз даромадининг тақсимланиши тўғрисида тасаввурга эга бўлади. Ундан кейин харажат таркибини таҳлил қилиб, қайси харажатларни камайтириш ва қайсиларини кўпайтириш масаласини ҳал қилади.

Энг муҳими, шундаки, харажат таркибини таҳлил қилиб, даромадни ошириш муаммосига тегишли чора-тадбир ишлаб чиқиб, уни амалга ошириш мумкин.

Ҳаётда оилалар, уларнинг таркиби, ёши, даромадлари, харажатлари ҳар хил бўлгани учун биз ушбу мақолада кўпроқ учрайдиган ўрта ҳол битта шаҳарда, битта қишлоқда яшайдиган оила харажатларининг таркибини таҳлил қиламиз.

Биз таҳлил қилаётган оила 5 аъзодан иборат бўлиб, улардан биттаси нафақахўр буви, ота-она (иккаласи ҳам ишлайди) бир ўғил олий маълумотли, ишлайди, бир қиз — талаба. Оиланинг ойлик даромади ўрта ҳисобда 1300-1500 сўм деб оламиз.

Оила сарф-харажат турлари: озиқ-овқат, кийим-бош, коммунал харажатлар (электр, газ, сув, телефон, канализация), дори-дармон, маиший хизматлар, бензин, транспорт, шахсий гигиена, газета, журнал, китоб, уй-жой харажатлари ва бошқа харажатлар. Келтирилган харажат турлари мунтазам амалга ошириладиган харажатлар. Оила уй-жиҳозлари, телевизор, магнитофон, радиоприёмник, рўзғор буюмларига эга. Шунинг учун биз уларга бўлган харажатларни ҳисобга олмадик. "Оиланинг ўртача ойлик харажатлари 1994 йил мобайнида 1163 сўмни ташкил қилган. Харажатларнинг ўзгариш чегараси 800-1526 сўм орасида бўлган.

Оиланинг истеъмол халтаси қуйидаги кўрсаткичлар билан ифодаланади: Бу оила ўртача ҳар ойда озиқ-овқатнинг 40 тури, кийим-бошнинг йил давомида 32 тури, шахсий гигиена воситаларининг 8-10 турини ҳарид қилади.

Оиланинг бир йил мобайнидаги харажатларини 100 фоиз деб ҳисобласак, ўртача озиқ-овқатга сарфланган харажатнинг улуши — 62 фоиз, коммунал хизматлар — 2 фоизга яқин, маиший хизмат — 9 фоиз, кийим-бош — 17 фоизга яқин, шахсий гигиена — 1 фоиз, транспорт — 2 фоиз.

Лекин харажатлар таркиби ойма-ойига ҳамма вақт ҳам бир хил бўлавермайди. Масалан, озиқ-овқатга қилинган сарф-харажат айрим ойларда 22-25 фоизга, айрим ойларда ҳатто 82-93 фоизгача бўлган. Озиқ-овқатнинг улуши юқори бўлган ойларда кийим-бош деярли харид қилинмаган. Шунинг учун озиқ-овқатнинг улуши юқори даражага етган. Озиқ-овқатнинг улуши паст бўлган ойларда кийим-бош кўпроқ ҳарид қилинган.

Таҳлил шуни кўрсатяптики, байрам тўғри келадиган ойларда оила харажати озиқ-овқатга, болаларга олинадиган кийим-кечакка бир мунча кўпаяди. Оилада тўй ёки маърака ўтказиш билан ҳам харажат анча ошади. Ўрта ҳол ва ундан юқори оилалар бир қисм даромадларини жамғариб бориб, шу маблағ ҳисобига харажатларни қоплайдилар.

Кам даромадли оилалар бундай харажатларни қарз эвазига қоплаб, кейин узоқ муддат, қарзларини узиш билан овора бўладилар.

Хорижда, кўп мамлакатларда "Халқ банклари" бўлиб, улар аҳолига жуда паст фоиз эвазига оила эҳтиёжларини қоплаш учун пул қарз бераверадилар. Бундай қарзлар бир неча кундан то бир неча ой муддатга берилади. Ҳозирги

(Тўртинчи дарс)

шароитни ҳисобга олиб бизда ҳам шундай банклар ташкил қилинса яхши бўларди.

Нархлар ўзгарса оила харажатларининг таркиби ҳам ўзгариб боради. Ундан ташқари, иқтисод муқобил ривожланиб борса, нархлар ҳам муқобиллашиб, миллий валютанинг ҳарид қобилияти кун сайин ортиб бориб, оила харажатларининг таркиби ҳам муқобиллашади.

Биздаги оилалар, хориждаги оилаларга қараганда коммунал ва маиший хизматга икки баравар кам маблағ сарфлайдилар. Бунинг асосий сабаби бир томондан у хизматларнинг нархи пастлиги, иккинчи томондан улар ҳозирча етарли ривожланмаганлиги, учинчи сабаби — оилада кўпроқ ўзига-ўзи хизмат кўрсатиш анъанаси билан боғлиқ. Тажриба шуни кўрсатадики, аҳоли фаровонлиги ортиб борган сари коммунал ва маиший хизматга қилинадиган сарф-харажат ҳам ортиб боради.

Энди қишлоқ жойларидаги ўртача оила харажатлари таркибини таҳлил қилсак. Бу оила 7 кишидан иборат деб оламиз. Улар нафақачи буви, ота-она, 4 та бола. Оила даромади ўртача 800-1000 сўмдан иборат. Харажатлар ўртача 500-600 сўмни ташкил қилади. Қолган қисми жамғарилади. Харажатларнинг таркиби қуйидагича: озиқ-овқат — 30 фоиз, кийим-бош — 40 фоиз, қолган 30 фоизи электр, газ, бензин, транспорт, уй-жойни таъмирлаш, кенгайтириш, уй жиҳозлари олиш ва бошқа харажатларни ташкил қилади.

Ҳар бир оила ўз харажатларини ойма-ой ҳисобга олиб бориб, ой якунида харажатларни жамлаб, турларга гуруҳлаб, ҳар бир турнинг якуний харажатга нисбатини ҳисоблаб, шу харажатларнинг таркибини ҳосил қилишлари мумкин. Бу иш ўз йўлида оила харажатларини режалаштириш имконини беради. Бу ҳақда кейинги мақолада фикр юритамиз.

Даромади юқори бўлган оилаларда уларнинг жон бошидан қатъий назар истеъмол халтаси тўлиқ бўлиб, озиқ-овқатнинг 70 ва ундан ортиқ турини, кийим-бошнинг 80 ва ундан кўпроқ, шахсий гигиена воситаларининг 20 хилидан кўпроғини ўз ичига олади. Юқори даромадли оилалар камида 2 та автомобиль, 2 тадан ортиқ рангли телевизор, совутгич, чанг ютгичга эга бўладилар. Улар бу буюмларни тез-тез алмаштириб туришади. Бундай оилалар маиший хизматдан кенг фойдаланадилар. Уларнинг даромади барча эҳтиёжларини бемалол қоплашга етиб ортади.

Иқтисод ривожланиб борган сари барча оила даромадлари ҳам ортиб бориб ўрта ҳол ва юқори даромадли оилаларнинг салмоғи ортиб боради. Ундан ташқари барча тоифадаги оилаларнинг ўртача даромад миқдори ҳам ортиб боради. Масалан, бугунги кунда шаҳарда истиқомат қилувчи ўрта ҳол оиланинг даромади 1300-1500 сўм бўлса, вақти келиб бу кўрсатгич 2,5-3 минг сўмга, ҳатто ундан ҳам кўп бўлиши мумкин. Бунинг учун барча оилалар ўз имкониятларини сафарбар қилиб, энг самарали ишлаш даражасига етказишлари лозим.

Ҳар бир оиланинг турмуш тарзи унинг ўзига боғлиқ, яъни қандай меҳнат қилишига, қанча даромад қилишига. Оила ўз меҳнати билан ўз бахтини яратади. Бунга оила жиддий муносабатда бўлмоғи лозим. Ҳар бир оила ўз аъзоларни ҳунар ўргатишга, ўқишга даъват қилиши, меҳр уйғотиши, ёшликдан меҳнатга муҳаббат туйғусида тарбиялаши, руҳан ва жисмонан чиниқтириши, маданиятга ўргатиши керак. Оиланинг ҳар бир аъзоси балоғат ёшига етганида самарали меҳнат қилишга тайёр бўлиши керак.

Агар инсон ёшлигидан ўзини меҳнатга тайёрламаса, катта бўлганида кўп қийинчиликка дуч келиб, унинг имконияти чекланиб қолади.

Инсон бир неча касбни ўзлаштирса, чет тилларни билса, ўқимишли бўлса — шунга яраша унинг имкониятлари ҳам кенг бўлади. Ёшликда ҳунар, илм, тил ўрганиш учун сарф қилинган меҳнат, инсон балоғатга етганида катта даромад келтиради.

АҚШлик мултимиллиардер Джон Рокфеллерлар жуда катта бойликка эга бўлишига қарамай, ўз болаларини ўрта маълумотли қилгач, икки йил оғир ишда ишлатадилар, кейин университетларга кириб ўқишига руҳсат берадилар. Бу Рокфеллерлар сулоласи учун одат, анъанага айланган.

Бозор иқтисоди шароитида ҳар бир оила ўзини ўзи боқиши ва топган даромадига қараб истеъмол қилиши керак. Айнан бозор шароитида ҳар ким меҳнатига яраша топиши ва топганига яраша истеъмол қилиши керак деган қоида ҳақиқий мазмунга эга бўлади.

ИПАКЛАРИ ТИЛЛОДАН

Азалдан Бухоро замини тилло ипаклардан кийим-кечакларга зеб беришиб, нодир санъати эса Мағрибу Машриққа донги кетган. Нақшинкор кашталарга чеварнинг меҳр ёғдуси тўкилиб битилгандай.

Қоракўл тумани "Умид" агрофирмасининг қўлигул чеварлари яратаётган зардўзлик буюмлари бугунги кунда фақат республикамизда эмас, балки хорижда ҳам машҳур бўлиб кетган.

Суратда: шу корхонанинг фаол ишчиларидан (чапдан) Ҳилола Яҳёева ва Зулфия Норовларни қизғин иш устида кўряпсиз.

В. ТЕМИРОВ олган сурат.

Иқтисодиёт янгиликлари

ҚАЛОВИНИ ТОПСА...

Қўрғонтепа тумани ҳудудий-коммунал фойдаланиш бошқармасида кулолчилик цехи ишга тушди. Усталар ясаётган сопол буюмлар аҳолининг истеъмол молларига бўлган эҳтиёжини таъминламоқда. Тушаётган фойда эса бошқарма ишчи-хизматчиларининг ижтимоий ҳимояси учун сарфланмоқда.

Таъмирчилар бригадаси ҳам тузилди. Аҳолига пуллик хизмат кўрсатадиган таъмирчилик билан 30 дан зиёд киши банд. Дастлабки даромадлар аҳолининг эҳтиёжига сарфланмоқда. Чунончи, бошқарма ишчиларига хизмат кўрсатадиган сауна қурилди. Ишчи-хизматчилар бошлиқлари Қаҳрамонжон Исмоиловнинг тадбиркорлигидан мамнун. Қаловини топса қор ёнади, деб шунга айтадилар-да.

З. РЎЗИЕВА,
"Ишонч" мухбири.

ҲАМДЎСТЛИК НАТИЖАЛАРИ

НАМАНГАН "Электротерм" бирлашмаси Ҳамдўстлик давлатларидаги 200 га яқин корхона билан ҳамкорликни йўлга қўйишди. Натижада 500 турга яқин хомашё келтирилиб, 150 турдаги маҳсулот тайёрланмоқда. Машинасозлик, кимё корхоналари, шойи ишлаб чиқариш бирлашмаси асосий хомашё турларини Россия, Украина, Белоруссия, Қозоғистондан келтиришмоқда.

Вилоят саноат корхоналарида тайёрланаётган 200 турдаги маҳсулот эса "Наманган" тамгаси билан хорижга чиқарилмоқда. Бу йил бундай маҳсулотлар турини яна 50 тага кўпайтириш мўлжалланмоқда.

"Ишонч" мухбири.

ҲАМКОРЛИК ШАРОФАТИ

Пойтахтимиз аҳолиси дастурхонини тўкин қилаётган нон маҳсулотлари тайёрлашда яна қулайлик яратилди. Эндиликда пойтахтнинг Сиргали, Собир Раҳимов, Мирзо Улуғбек туманларида Олмония технологияси асосида цехлар жиҳозланди. Ускуналар кунига 22 турдаги 4,—4,5 тонна нон ва нон маҳсулотлари тайёрлаш қувватига эга. Қолаверса, истеъмолчилар иссиқ нонларни бевосита савдо дўконининг ўзидан харид қилиб олишлари мумкин.

Соғлом турмуш тарзи

Аҳоли саломатлиги муҳофазасини тўғри йўлга қўйиш, хизмат кўрсатиш савиясини ошириш, даволашнинг янги ва самарали усулларини кенг жорий этиш билан бирга тиббиёт ходимлари ҳақида доимий ғамхўрлик қилиб бориш тармоқ касаба уюшмалари фаолиятининг бош йўналишларидандир. Бу борада давлат, хўжалик тузилмалари, корхона ва ташкилотлар маъмуриятлари билан биргаликда имзоланган жамоа шартномалари муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидлаш жоиз. Ўтган йили вилоят ҳокими ва касаба уюшмалари кенгаши ўртасида тузилган битимга асосан кўпгина тиббиёт ходимлари жамоат транспортларида бепул юриш имкониятига эга бўлдилар.

Шифокорлик ғоят масъулиятли, серташвиш касб. Инсон тақдири, саломатлиги уларнинг зиммасида. Амалга оширилаётган тадбирлар натижасида ўтган йили ишлаб чиқаришдан жароҳатланиш 84,6 фоизга, автофалокатлар 6,5 марта ва умумий касалликлар 25 фоизга камайди. Қонунга хилоф равишда ишдан бўшатилган 29 киши ўз ўрнига тикланди. Спорт-соғломлаштириш тадбирлари белгиланиб, бадиий ҳаваскорликни ривожлантиришга ҳам эътибор кучайтирилмоқда. Соғлиқни сақлаш ходимлари 1992–1993 йилларда республика спартакиадасида ғолиб чиқиб, вилоятимиз шарафини ҳимоя қилдилар.

Кенг кўламли ишимизда ҳали камчиликлар, ечилиши лозим бўлган муаммолар ҳам мавжуд. Тиббий хизмат савияси аҳолининг ўсиб бораётган талаб-эҳтиёжларидан орқада қолмоқда. Доридармонларнинг тансиқлиги айрим тиббиёт ходимларининг ўз ишига, беморларга нисбатан лоқайдлиги аҳволни янада мушкуллаштираяпти. Бу ҳақда билдирилаётган эътирозларда жон бор. Жойлардаги тармоқ касаба уюшмалари мавжуд вазиятдан келиб чиқиб, тиббиёт ходимлари муҳофазаси билан бирга уларнинг иш услубларини ўзгартириш, шахсий жавобгарлигини ошириш лозимлигини таъкидламоқдалар. Аниқланган нуқсонлар ўз вақтида бартараф этилаяпти.

Шуни ҳам айтиш керакки, вилоят миқёсида ҳар бир жон бошига ажратилаётган маблағ соҳа эҳтиёжларини тўла қоплаш учун етарли эмас. Тўғри, замон руҳини англаган ишбилармон ва тадбиркорлар қўл қовуштириб ўтиришгани йўқ. Чунончи, Когон шаҳар шифохонаси маъмурияти ва касаба уюшмаси қўмитаси ўзаро ҳамкорликда пуллик хизматни йўлга қўйиб, жамоа хазинасига фойда келтираяптилар. Тушган маблағ ҳисобидан ҳар бир ходимга ўртача 100-105 сўмдан қўшимча иш ҳақи тўланмоқда. Бу хайрли тадбир Бухоро, Ромитан, Ғиждувон, Шофиркон туман шифохоналарида оммавийлашаётгани қувончлидир.

Бозор иқтисодиёти касаба уюшмалари фаолиятини ҳам тўла ислоҳ қилишни тақазо этаяпти. Бизнингча, хусусий мулкчиликка кенг йўл очилаётган, корхона ва ташкилотлар ҳиссадорлик жамиятларига айлантирилаётган бир шароитда меҳнаткашлар манфаатини қонуний ҳимоялашнинг ягона услуби ишлаб чиқилиши лозим. Қолаверса, ходимлар меҳнатига бозор баҳосида ҳақ тўлаш, қўшимча рағбатлантиришни йўлга қўйиш ва бу жараённи қатъий назорат қилиш, хавфсиз иш шароити яратиш, меҳнат фаолиятини чекланган кишиларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва ниҳоят, касаба уюшма маблағидан тижорат мақсадларида фойдаланишларни олдимизда турган ҳаётий масалалар деб ҳисоблайман.

Тармоқдаги ҳамкасбларимиз бу фикрларга қандай қарашади — билмадим. Аммо бир нарса равшан: вақт биз билан ҳисоблашиб ўтирмайди. Халқнинг ижтимоий ҳимоясини яхшилаш, турмуш даражасини ошириш учун мавжуд ҳар бир имкониятдан ўз ўрнида фойдаланишимиз керак. Қолаверса, бу барчамизнинг муқаддас бурчимиздир.

Ш. СУЛТОНОВ,
Бухоро вилояти соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси раиси.

МУҚАДДАС БУРЧ

ЯНГИ СИҲАТГОҲ

СУРХОНДАРЁ воҳаси ранго-ранг табиати, ёзининг иссиқлиги, шифобахш булоқларининг кўплиги билан табиий сиҳатгоҳдир. Учқизил кенгликлари эса ҳақиқий саломатлик масканига ўхшаб кетади. Шунинг учун вилоят ва Термиз туман ҳокимлиги, вилоят касаба уюшмалари кенгаши ташаббуси билан бу ерда Н. А. Семашко номли Республика тиббиёт илмий-текшириш билимгоҳининг Термиз бўлими ташкил этилган эди. Бўлим жамоасининг изланиши туфайли, булоқ сувлари ҳамда қум заҳиралари турли касалликларни даволашдаги имкониятлари беқиёс эканлиги исботланди.

Ўтган вақт давомида бўлим анча ривожланди, замонавий текшириш ва тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозланди, 60 ўринли касалхона биноси қурилди. Вилоят касаба уюшмалари кенгаши ёрдами билан янги қурилаётган 90 ўринли шифохона биносининг фойдаланишга топширилиши, бўлимни шифохонага айлантириш имконини берди. Эндиликда юрак-қон томири, нафас олиш, ошқозон-ичак йўллари, асаб, бўғин, тери, қанд касаллиги, модда алмашинуви бузилиши билан оғриган беморлар катта сарф-харажатлар эвазига, Есентуки, Кисловодскка бориб юришмайди.

С. МЕНГНОРОВ,
"Ишонч" мухбири.

Тошкент тиббиёт ходимлари малакасини ошириш институти стомотология кафедраси доценти Дилбар Ҳамидова 1973 йилдан бери беморлар дардига малҳам бўлиб келмоқда. Шаҳримиздаги 5-стомотология поликлиникасида уни қўли енгил шифокор, деб таърифлайдилар. Номини тилдан қўймай эъзозлайдилар.

Суратда: Д.Ҳамидова беморни даволаш пайти.

А.Мамадаминов суратга олган.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИ

1995 ЙИЛ МАРТ ОЙИ УЧУН РЕПЕРТУАР РЕЖАСИ

3 жума Илгари эълон қилинган "Оққуш кўли" спектакли 5 мартга кўчирилади.

4 шанба Опера етакчи солисти Татьяна Абиякий ва театр бош дирижёри Ҳамид Шамсутдиновнинг гала-концерти. соат 17.00да бошланади.

5 якшанба П.Чайковскийнинг "Оққуш кўли" балети, соат 12.00 да бошланади.

Владимир Дуровиннинг "Севги қўшиғи" концерти, соат 16.00 да бошланади.

11 шанба П. Чайковскийнинг "Уйқудаги гўзал" балети, соат 17.00 да бошланади.

17 ЯкшанбаА. Глазуновнинг "Раймонда" балети, соат 17.00 да бошланади.

16 пайшанба Д. Гершвиннинг "Порги ва Бесс" операси премьераси, соат 18.00 да бошланади.

17 жума Д. Гершвиннинг "Порги ва Бесс" операси премьераси, соат 18.00 да бошланади.

18 шанба П. Чайковскийнинг "Уйқудаги гўзал" балети, соат 17.00 да бошланади.

19 якшанба И. Хачатурянниннг "Чиполино" балети, соат 12.00 да бошланади.

П. Чайковскийнинг "Евгений Онегин" операси, соат 17.00 да бошланади.

22 чоршанба У. Мусаевнинг "Тўмарис" балети, соат 18.00 да бошланади.

23 пайшанба К. Сен-Саненинг "Самсон ва Далила" операси, соат 18.00 да бошланади.

24 жума А. Маликовнинг "Икки дил достони" балети, соат 18.00 да бошланади.

25 шанба А.Пунининг "Эсмеральда" балети, соат 17.00 да бошланади.

26 якшанба С.Прокофьевнинг "Золушка" балети, соат 12.00 да бошланади.

В. Моцартнинг "Сеҳрли най" операси, соат 17.00 да бошланади

27 душанба А.Эргашевнинг "Тегирмон устидаги қуёш" мусиқали эртаги соат 12.00 да ва 15.00 да бошланади

28 сешанба А.Берлиннинг "Гўзал Василиса" балети, соат 12.00 да бошланади.

Д.Россинининг "Севилья сартароши" операси, соат 18.00 да бошланади.

29 чоршанба А.Берлиннинг "Гўзал Василиса" балети, соат 12.00 да бошланади.

Д. Вердининг "Аида" операси, соат 17.00 да бошланади.

30 пайшанба П.Чайковскийнинг "Иоланта" операси, соат 12.00 да бошланади.

31 жума. С. Вареласнинг "Аловуддиннинг сеҳрли шамчироғи" операси, соат 12.00 да бошланади.

М.Ашрафийнинг "Севги тумори" балети, соат 18.00 да бошланади.

Касса ҳар куни соат 10 дан 18 гача ишлайди. Маълумотлар учун телефон: 33-90-81

Жамоа бўлиб тушиш учун буюртмалар қабул қилинади.

ЯККА ШАХС ВА ТУРЛИ КОРХОНАЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Республикамизда идоравий ёзишмалар, ўзаро ёзма алоқалар ўзбек тилида олиб борилишига ўтилиши муносабати билан "ИШОНЧ" таҳририяти қошида сизга хизмат кўрсатиш бўлими очилди. Мазкур бўлим якка шахслар, корхона ва ташкилотларнинг расмий ва норасмий ҳужжатлари, ўзаро ёзишмалари, шахсий номалари, маърузаларини ёзиб бериш, шунингдек, ҳаракатдаги ёки янги ташкил топаётган ҳиссадорлик, тадбиркорлик жамиятлари, кооператив, фирма ва бошқа тур муассасаларнинг Низом, Йўриқномалари, Дастурлари, Фармойиш, буйруқларини ўзбек тилига сифатли таржима қилиб бериш билан шуғулланади.

Манзилимиз: Тошкент, "Правда Востока" кўчаси, 24 уй. 5-қават, 39, 75 хоналар. Телефонлар: 56-87-78, 56-85-79. 56-64-69.

САЙЁРАМИЗ ОВОЗИ

Икки йил аввал Нью-Йоркдаги Халқаро савдо марказида бомба портлашида айбланган Рамз Аҳмад Юсуф исмли шахс Покистонда қўлга олинди. Би-Би-Си радиоси шарҳловчисининг айтишича, бу одамнинг жиноятга иштироки ҳамон қоронғу бўлиб қолмоқда.

АҚШдаги ана шу портлаш натижасида 6 киши ҳалок бўлган, 6 мингдан ошиқ одам жароҳатланган бўлиб, портлатишни Юсуфнинг ёлғиз ўзи уюштирганми ёки бирон давлатнинг буйруғи билан амалга оширилганми? Шу савол кўпчиликнинг бошини қотирмоқда?

Бундан ташқари, Ироқ раҳбари Саддам Ҳусайн тажрибали агентини Нью-Йоркка юборган, деган эҳтимоллар ҳам йўқ эмас.

***

Ҳиндистон Бош вазири Нарасимха Рао ўз ҳукуматидаги беш вазирни алмаштирган. Деҳли мухбирларининг таъкидлашича Бош вазир Раонинг ҳукуматдаги бундай ўзгартиришларидан мақсади рақиби Аржун Сингҳнинг истеъфосидан кейин ўз сиёсий ҳокимиятини янада кучайтиришни кўзлашидир.

***

Халқаро футбол ташкилоти ФИФА ёшлар ўртасида Нигерияда ўтказилиши керак бўлган жаҳон биринчилиги учун мусобақа ўйини қолдирилди. Ташкилотнинг баёнотида айтилишича, Нигериянинг Калуна ва Энегу шаҳарларида юқумли касалликлар тарқалиши бунга сабаб бўлган. ФИФА ушбу қарордан афсусда. Чунки бундай мусобақа Африка қитъасида биринчи бор ўтказиладиган спорт йиғини эди.

***

Таслима Насриннинг исмини кўпчилик билмаса керак. Бангладешлик бу ёзувчи аёл сўнгги йиллари бир ғавғо туфайли анча машҳурлашиб кетган эди. Мусулмон мустаассиблари унинг айрим мулоҳазалари учун ўлимга ҳукм этган эдилар. Ёзувчини ғарбий мамлакат ҳурфикрлари ҳимояга олиб, унга сиёсий қочоқ мавқеини таклиф қилишди. Бу кулфатлар унинг бошига 1993 йилда "Шарманда" китобини нашр этганидан сўнг туша бошлаган эди. Чунки у китобда ҳиндистонлик мусулмонлар бангладешлик ҳинд оилаларини қийнаганлигини тасвирлаган. Натижада бангладешликлар ғазабланиб, китобни ман этилишини талаб этиш билан Даккада намойишлар уюштиришган. "Жамоати исломий" деган сиёсий партиянинг ўлимга маҳкум қилиш пўписаларидан чўчиган 32 ёшли доктор ва ёзувчи Таслима Насрин Швецияда пинҳона яшашга мажбур бўлган.

***

Босфор бўғозидаги қалин туман туфайли ҳаво ва қуруқлик қатнови тўхтаб қолган. Туркия расмий вакилининг айтишича Қора денгиз ва Мармар денгизи билан боғловчи Босфорнинг шимолий ҳамда жанубий нуқталарида 200 нафар кема тўхтаб турибди. Мармар ва Эгей денгизлари билан боғловчи Дарданел бўғози ҳам ёпиб қўйилган. Якшанба оқшоми Истанбулнинг катта йўлларида ва кўприкларида кўплаб машиналарнинг тўхтаб қолганлигига ҳам туманнинг ғоятда қалинлиги сабаб бўлган. Самолётлар учмаган, энг муҳими, бир эмас, икки футбол ўйини кечиктирилган.

Одамийлик сабоқлари

Машриқзамин дарғалари

Муҳтарам газетхон!

Бугун Сизнинг эътиборингизга янги рукнини ҳавола этаяпмиз.

Жаҳон маънавий меросига улкан ҳисса қўшган қадимий ва ҳамиша навқирон Шарқнинг буюк алломалари, давлат арбоблари, саркардалари, шеърият даҳолари, тасаввуфий тариқатлар асосчилари ҳақида қизиқарли маълумотлар бериб бориш, уларни халқимизга яқинроқ таништириш эзгу ниятимиз.

Бизнинг мўътабар ота диёримиз Туркистон Хуросон ҳамда Ўрта ва Яқин Шарқ тамаддун минтақасидаги бошқа ўлкалар қатори йирик илмий-фалсафий, тасаввуфий, маданий-маънавий марказлардан бири ҳисобланади. Ўз даврида бутун турк, форс, ҳинд ва араб мусулмон оламини қоплаган Кубравия, Яссавия ва Нақшбандия таълимотлари бизнинг азиз ўлкамиз Туркистонда пайдо бўлиб, нашъу намо топган.

1048 йилда Эроннинг Ҳамадон шаҳри ёнидаги Бузанжирд қишлоғида таваллуд топган Шайх-уш-шуйух (Шайхлар шайхи) Юсуф Ҳамадоний форс ва араб ўлкаларида фиқҳ, ҳадис ва тасаввуф илмларини пухта ўрганиб, Балх, Ҳирот, Марв, Самарқанд ва Бухоро шаҳарларига келади. Туркистон ўлкасини ёқтириб қолиб, умрининг иккинчи ярмини шу шаҳарда ўтказади, бу жойлардаги улкан устозлардан илм ўрганиб, ўз замонасининг энг йирик, забардаст мутасаввуф донишманди бўлиб етишади. Бухорои шарифда хонақо ва мадраса қурдириб, жуда кўп туркигўй ва форсигўй шогирдлар тарбиялаб вояга етказади. Унинг

биринчи шогирди — Хожа Ҳасан Андоқий, иккинчи шогирди — Хожа Абдулло Баррақий, учинчи шогирди — Хожа Аҳмад Яссавий, тўртинчи шогирди — Хожа Абдуҳолиқ Ғиждувоний Ҳамадонийнинг ҳалифаи арбаъа, яъни тўрт мумтоз ўринбосарлари эди.

"Рашаҳот айн-ул-ҳаёт" (Ҳаёт булоғидан оққан томчилар) асарининг муаллифи Мавлоно Фахруддин Али ас-Сафий ҳаққоний равишда ёзилганидек, Шайх-уш-шуйух Юсуф Ҳамадонийнинг учинчи шогирди (ҳалифаси) Ҳазрати Хожа Аҳмад Яссавий улкан туркигўй тасаввуф мактаби ва тўртинчи шогирди, Хожаи жаҳон — Хожа Абдуҳолиқ Ғиждувонийдан буюк форсигўй тасаввуф мактаби пайдо бўлди.

1140 йилда 92 яшар мўйсафид мутасаввуф Зот Шайх Юсуф Ҳамадоний шогирдларидан бирини ўзи билан бирга олиб Ҳиротга боради. Кўп ўтмай Ҳиротдан Марвга қайтаётиб, Бомиён (Афғонистон) шаҳрида қаттиқ бетоб бўлиб оламдан ўтади. Уни аввал Бомиёнга дафн қиладилар. Сўнг васиятига кўра, Бухородан борган шогирдлари унинг ҳоки-покини Марвга олиб келадилар. Унинг шарофати ила кейинроқ Марв шаҳри (Туркманстондаги Марв шаҳри) "Хуросон каъбаси" деб атала бошлаган.

Ҳам Хожа Аҳмад Яссавийнинг, ҳам Хожа Абдуҳолиқ Ғиждувонийнинг севимли пири-муршиди ҳисобланган Шайх Юсуф Ҳамадонийнинг ҳаёти, яшаш шароити, юриш-туриши, шаклу шамойили, тарзи тафаккури ҳақида ўқувчиларга муфассалроқ маълумот бериш мақсадида яқинда мутолаа қилганимиз бир муҳим қўлёзма-манбаъ бевосита Юсуф Ҳамадонийнинг тўртинчи шогирди Хожа Абдуҳолиқ Ғиждувоний қаламига мансуб бўлиб, "Рисолаи фуқароия" ёки "Рисолаи Шайх-уш-шуйух Юсуф Ҳамадоний" деб аталади ва республика Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг қўлёзма асарлар ҳазинасида сақланяпти.

Асар бошидаёқ Хожа Абдуҳолиқ Ғиждувоний Шайх Юсуф Ҳамадонийни "Хожаи олами замоний", "Сайёҳи майдони тариқат", "Ғавваси дарёи ҳақиқат", "Макошифи асрори ғайбий", дея юксак эъзозлаб келади-да. "Бул Зоти муборакка рўбару келдим, кўп ўтмай ул Ҳазрат бузургворнинг тариқатига мустақил доҳил бўлиб, ул Зоти олий тобеълигида бўлдим", дейди.

Ҳазрати Абдуҳолиқ Ғиждувонийнинг ёзишича, Юсуф Ҳамадоний кўпинча унга шундай деган экан: "Эй Абдуҳолиқ, мен Хожа Али Калон Формадийнинг тўртинчи шогирди эдим, сен ҳам менинг тўртинчи шогирдим бўлурсен". Сўнгра бир дам муборак кўзларида ёш ҳалқаланди. Кейин мен фақир яна сўрадим: "Пирим, Сиздан кейин ким ҳалифа бўлур?". Шайх ҳазратлари муборак лафз билан дедилар: "Биздан сўнг Хожа Абдулло Баррақий, кейин Хожа Ҳасан Андоқий ҳалифа бўлади, ундан сўнг Хожа Аҳмад Яссавий ҳалифа бўлади. Сўнгра у ўз ватани Туркистон (Ясси)га сафар қилади. Ана ундан кейин сен ҳалифа (ўринбосар) бўлурсен". (17-бет).

Абдуҳолиқ Ғиждувоний берган маълумотга кўра, Юсуф Ҳамадоний узоқ умри мобайнида кўплаб юртларга сафарлар қилган, 38 марта пойу пиёда, гоҳо отуловда юриб Маккаи мукарамма ва Мадинаи мунаввара-га Ҳаж қилган, минг мартадан зиёд ҳатми Қуръон қилган. Қуръони Каримни мукаммал ёд олган. Доим тоат-ибодат қилар, кўпинча рўза тутар эди. 8000 бутпарастни мусулмон қилган, унинг иршодотини олиб, тавба-тазарруъ этиб, Ҳақиқат йўлига тушганларнинг сон-саноғини ҳеч ким билмас эди...

Қадди баланд, бир оёғи калтароқ, ғоят нуроний, бармоқлари узун, чиройли ва нозик, ул зот баланд бўйли, қотмадан келган, салобатли одам эдилар. Пашминабоф (жун-суф) либос киярдилар. Музадўзлик (пойафзал тикиш) ва деҳқончилик ул зоти муборакнинг севган касби-кори эди. Ҳалол меҳнат қилиб, нима топса бева-бечораларга, етим-есирларга бўлиб берар эди. Ул Зоти муборак ҳамиша зикри дил (хуфия зикр) қиладилар. Бегона ва номаҳрам аёл-қизларга асло бадназар ташламас эдилар...

Ўзлари суҳбат асносида доимо табассум қилиб гапирар, туркийни яхши англар, бироқ қийналиб, гапирмас эдилар. Ҳазрати пири бузрукворимиз ҳар пайшанба, жума кунлари, катта ва кичик ҳайит айёмида азизавлиёлар қабрларига бориб, ўшал бузургворлар ҳоки-покларини зиёрат қилардилар... Самимий табассум ила оҳиста гапирар, оҳиста қадам ташлар, ҳамиша таҳоратли, пок ва тоза юрардилар. Пайғамбаримиз (с. а. в.) ва чаҳорёрлар ҳаётларидан, фаолиятларидан берилиб суҳбат қурардилар. Алар ҳамиша ҳалол таом (луқмаи ҳалол)лар ер эдилар ва ҳалолхўрларни бағоят яхши кўрардилар, бекор, муфтхўр (текинхўр) ва бенамоз одамларни ёқтирмас эдилар. Ҳар бир мўмин-мусулмон рўбарў келса, аввал ўзлари салом берар эдилар. Ўзлари бағоят саводхон, хушнавис (ҳаттот), олим ва донишманд зот эдилар. Дастор(салла)ни ҳам гўзал донишмандона ўраб юрардилар. Доимо мужодала ва риёзат билан овора бўлиб, кўпинча явғон (ёғсиз суюқ ош) ичардилар. Танпарвар (худнамо, манман)ларни ғоятда ёмон кўрардилар. Масжид хонақоларга боришни, қишлоқ жойларни ва тоғларни сайр қилишни ёқтирар, ўша жойлардаги аҳоли (турк, тожик, араб, чўпон, ғулом, подабон, шутурбон) билан ғоят самимий, дилдан суҳбатлашар эдилар. Баҳор ойларида гул лолаларга тўла дашт далалар ва саҳроларни кезишни ёқтирардилар. Улар доимо: Худо ломакондур, макон учун Унда ҳожат йўқ, касб-ҳунар фарздур, яхши амал иймондандур, иймон тоатдур, ҳар қандай тоат иймон эмас, дея иршод қилардилар.

Ҳазрати Ҳамадоний томонидан ўз шогирдларига насиҳат тарзида айтилган тўрт обод (қоида), яъни "Чаҳор камила" кейинроқ Хожагон (Нақшбандия) таълимотининг асосий қоидалари (маъқулалари) бўлиб, "Хуш дар дам", "Назор бор қадам", "Сафар дар ватан", "Ҳилват дар анжуман" мазкур тариқатнинг асл моҳиятини, асосини ташкил этади. Биз ҳам шу пайттача Ғарб ва Шарқдаги барча мутахассислар ва олимлар каби хатога йўл қўйиб, нақшбандийликнинг асосий 11 қоидасидан 8 тасини Хожа Абдуҳолиқ Ғиждувоний ишлаб чиққан, деб ёзиб келардик. Энди, мана шу "Рисолаи Фуқароия" асарини ўқиб аниқ ва муайян фикрга келдикки, мазкур таълимотнинг асосий 4 қоидасини бевосита Юсуф Ҳамадоний, қолган тўрттасини Хожи Абдуҳолиқ Ғиждувоний ва қолган учтасини Баҳовуддин Нақшбанд ишлаб чиққан эканлар. Энди Хожагон (Нақшбандия) таълимотининг асосчилари уч буюк ва мўътабар зотлар Юсуф Ҳамадоний, Абдуҳолиқ Ғиждувоний ва Баҳовуддин Нақшбанд деб айтишга ва ёзишга асос бор. Шу ерда Юсуф Ҳамадонийнинг учинчи мумтоз шогирди Хожа Аҳмад Яссавий эканлигини, Бухорои Шарифда Яссавий ҳазратлари Абдуҳолиқ Ғиждувонийга ҳам бир неча йил таълим берганлигини назарга олсак, "Яссавия" ва "Нақшбандия" таълимотларининг шоҳ илдизлари бир, умумий ва муштарак бўлганлигига ишонч ҳосил қиламиз. Демак, ҳар иккала улуғ туркигўй ва форсигўй таълимотнинг, кейинги асрларда бутун Ислом оламидаги энг улкан туркигўй ва форсигўй жаҳоншумул таълимотлар бизнинг табаррук юртимиз Туркистонда, азиз Ота маконимиз — Турон юртида вужудга келганлигига зўр ифтиҳор ила амин бўламиз! Ҳазрати Ғиждувоний мазкур асарида яна ёзишича, Алар ҳеч кимга ҳасад қилмасдилар, доимо: "Эй биродарлар, меҳрибон, пуршафқат ва хушфеъл бўлинглар!", деб васият қилардилар.

Ўз асари охирида Хожа Абдуҳолиқ Ғиждувоний бузруквор устозининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида шундай деб ёзган: "Шайх Юсуф Ҳамадоний узоқ вилоятлар ва юртлардан келган ғарибаларга дилсўзлик қилар, алар билан суҳбат қилганларида мазкур эллардаги бандаларнинг ҳол-аҳволи нечук, у жойларда кимлар шайх — муршидлик қиладилар, ҳалойиқ ила аларнинг муносабатлари қалай эканлигини ҳам эринмай сўраб-суриштирар эдилар" (25-бет).

Кўриниб турибдики, Шайх-уш-шуйух Ҳазрати Юсуф Ҳамадонийнинг юқоридагидек нек феъл-атвори, яшаш шароитлари тарзи тафаккури, шаклу шамойили, юриш туриши Яссавия тариқатининг ўнта, "Хожагон" (Нақшбандия) тариқатининг 11 та қоида (одобларига) асос бўлган, Мовароуннаҳр ва Хуросон юртларидаги юзлаб,минглаб туркигўй ва форсигўй маънавият ва маърифат (тасаввуфий — ирфоний) мактаблари намоёндлари учун муҳим ғоявий дастуриламал бўлиб қолган. Шунинг учун ҳам Шайх-уш-шуйух Юсуф Ҳамадонийни Мовароуннаҳр ва Хуросондаги миллионлаб халқларнинг умумий, муштарак ифтиҳори улкан ва забардаст маънавият чинори деб айтишга ҳақлимиз.

Ориф УСМОН,

Ўзбекстон ФА Абу Райҳон Беруний Номидаги Шарқшунослик институтининг етакчи илмий ходими, филология фанлари доктори.

ЖАҲЛ КЕЛСА, АҚЛ ҚОЧАР

Доно халқимизнинг энг пурҳикмат эртакларидан бири — "Уч оғаини ботирлар" да кечанинг биринчи қисмида пойлоқчилиқ қилган тўнғич ботир — арслонни, иккинчи қисмида пойлоқчилиқ қилган ўртанча ботир — аджаҳони, учинчи қисмида — субҳи козибда — пойлоқчилик қилган Кенжа ботир эса, қирқта ўғрини ўлдиради. Уч оға-ини подшонинг уч қизи — уч гўзал маликага уйланиб, мурод-мақсадларига етадилар. Хусусан, Кенжа ботир подшо қайнотасининг ўрнига тахтга ўтириб, юртни обод-фаровон, халқни бахтга ёр қилади.

Мазкур эртакда инсоний бахт-саодатга эришишнинг энг тўғри йўли ўзининг ғоят гўзал бадиий ифодасини топгандир. Агар ҳар қандай жамиятнинг асосини ташкил этувчи уч оға-ини-деҳқон, ҳунарманд ва зиёли бўлса, Тўнғич ботир маҳв этган душман оддийгина арслон эмас, балки ЖАҲОЛАТ арслони, ўртанча ботир енгган рақиб оддийгина аждаҳо эмас, НАФСОНИЯТ (НАФС) аждаҳосидир. Кенжа ботир бошини танасидан жудо этган қирқ нафар каззоб эса, оддийгина ўғрилар эмас, аввало кўнгил мулкини, қолаверса, жамият мулкини талон-тарож этувчи худпарастлик, манфаатпарастлик, қўрқоқлик, мунофиқлик, алдамчилик, золимлик, дилозорлик, уришқоқлик ва бошқа жами қирқта руҳий иллатлардир. Хўш, уч оға-ини ботирлар эришган уч малика-чи? Булар, муаззам Шарқ фалсафаси, хусусан, тасаввуф фалсафасига кўра, кўнгил мулкининг энг гўзал маликалари бўлмиш МАЪРИФАТ, ҚАНОАТ ва ҲАҚИҚАТнинг тимсолларидир. Деҳқони жаҳолатни енгиб маърифатга, ҳунарманди нафсониятни енгиб қаноатга, зиёлиси қирқта руҳий иллатни енгиб ҳақиқатга эришмаган халқ ҳам, жамият ҳам мурод-мақсадига етиб том маънода бахтли-саодатли бўлолмайди.

Шарқона тасаввуф фалсафасини теран ўзлаштирган буюк адибимиз Абдулҳамид Чўлпон ўзининг "Кеча ва кундуз" романида Холматдек деҳқони жаҳолатга ем, маърифатга бегона, Мирёқуб эпақадек ҳунарманди нафсга қул ва қаноатсиз. Акбарали мингбошидек "зиёли" раҳнамоси эса, қирқта руҳий иллатлар исканжасида ҳақиқатдан минг фарсаҳ йироқ бўлган халқнинг фожиаси санъаткорона кўрсатилган. Зебинисадек гўзаллик, ақл-фаросат ва хушовозликда беназир бундай халқни энг ишонган ўртоғи, жонажон дугонаси Салтанат ҳам кутилмаган кулфатларга гирифтор этаверади...

Демак, мустақиллик йўлида дадил одимлаб, ҳуқуқий давлат ва маърифатли жамият барпо этаётган халқимизнинг энг бирламчи душмани жаҳолат бўлса, энг яхши йўлдоши, энг ишончли ва содиқ ҳамроҳи маърифатдир. Кўҳна Шарқнинг мумтоз адабиётида жаҳолат зимистон кечага, маърифат эса, ҳар қандай кечани кундузга айлантира оладиган беназир машъалага нисбат берилгани бежиз эмас, албатта,

Хўш, жаҳолат нима? Маълумки, бу арабча сўзнинг ўзаги — бирликдаги шакли — жаҳл бўлиб, бу сўз ўз навбатида дини исломнинг илоҳий нурини кўра-била туриб унга тиштирноғи билан қарши чиққан ашаддий бутпарастлардан бири Абу Жаҳлнинг исми бўлган. Шунга асосланган ҳолда ислом илмида ва тасаввуф фалсафасида "қуръон" нозил бўлгунга қадар ўтган даврларни "жоҳилият замонлари", ўзида Аллоҳни таниб, Ҳаққа — Ҳақиқатга етишга иштиёқ сезмаган ғофил кимсаларни эса, "худонинг бандаси эмас, жаҳолат бандаси" дея таърифлаш кенг расм бўлган.

Бинобарин, "жаҳолат" тушунчаси, худди "маърифат" тушунчаси каби, ғоят кенг қамровлидир. Зулмат — жаҳолат, ғафлат — жаҳолат, бидъат — жаҳолат, ишрат — жаҳолат, ришват — жаҳолат... Лекин "жаҳолат" сўзининг ўзаги "жаҳл" бўлганидек, ғоят кенг қамровли "жаҳолат" тушунчасининг асосини ҳам "жаҳл", яъни, бошқача айтганда, қаҳр, ғазаб, уришқоқлик, жанжалкашлик, хўрлаш, ҳақорат, жабр, ситам, зулм, зўровонлик... ташкил этади. "Жаҳлли — бирни, ақлли — мингни енгар", "Жаҳл келганда ақл қочар" дейди халқимиз. Дарҳақиқат, шундай. Жаҳлга эрк бериш одам боласининг ақлини ўтмаслаштириб, ижтимоий тафаккурни хира торттириб, маърифатни зулматга айлантиради. Аксинча, жаҳлни жиловлаб, ақл билан иш тутган одам ҳам, халқ ҳам ҳар қандай зимистон кечадан нурли истиқбол томон йўл топиб чиқа олади. Мана, жаҳон халқлари тарихидан яққол бир мисол: қарийб уч аср инглиз мустамлакачиларининг мислсиз зулми остида обдон эзилган буюк ҳинд халқини ҳозирги ижтимоий тараққиётнинг дарҳон йўлига нима, қай бир куч олиб чиқди? Аввало ҳинд миллий озодлик ҳаракатининг раҳнамоси, буюк мутафаккир Махатма Ганди илгари сурган "зўравонликсиз кураш" таълимоти! Бу таълимотнинг моҳияти кўзланган энг олий мурод-мақсадга зулм, зўровонлик, жабр, ситам, уруш, жанжал йўли билан эмас, тинч йўл билан, тинчлик йўли билан эришиш демакдир. Чуқурроқ ўрганиб қарасангиз, бу ҳаётбахш таълимот муайян давр ва ижтимоий-сиёсий вазият тақозосигина эмас, муаззам Шарқ фалсафасида жуда узоқ тарихий илдизларга эга эканлигига ўзингиз ҳам амин бўласиз. Бир илдизини, масалан, "Туркистон элининг шайхул машойихи", "авлиёлар сарвари" Қул ҳожа Аҳмад Яссавий фалсафасидан, тасаввуфнинг "Яссавия" тариқатидан топасиз.

Собиқ шўро тузуми сиёсатчилари Аҳмад Яссавий ҳазратларининг "Золим агар зулм қилса олло дегил", "ўнг юзингга урганга чап юзингни тут" қабилидаги қарашларини ўзларича тушуниб, халқни мутелик, тобелик, итоаткорлик, қулликка чақирувчи қарашлар сифатида талқин қилиб келдилар. Жаҳолат ва жангариликни жаҳон тарихида мисли кўрилмаган даражага олиб чиққан собиқ тузум сиёсатчилари бундай қарашларнинг асл моҳиятини тўғри тушунишга қодир эмас эдилар ҳам! Хусусан, "ўнг ёзингга урганга чап юзингни тут"ни қандай тушуниш керак? Бунинг маъноси "ёмонликни яхшилик билан енг" демакдир. Агар икки болакай жанжаллашаётган бўлса, жабрдийда "Урмачи, урма!" деб ёлворгани ва ё бир муштга икки мушт билан жавоб қайтаргани сайин зулмкор баттар жаҳлга минаверади. Мазлум "Ма, яна ур, бу юзимга ҳам ур!" деса-чи? Золимнинг юқорига кўтарилган қўли беихтиёр пастга тушиб, шашти қайтиб, дафъатан инсофга келади. "Ие, нега энди бу мўмин-қобилни ҳадеб ураверишим керак?" деб ўйлаб қолади. Бошқача айтганда, худди ўтни ўт билан эмас, сув билан ўчирилганидек, урушни уруш билан эмас, сулҳпарварлик билан, жанжални жанжал билан эмас, муроса билан, ёмонликни ёмонлик билан эмас, яхшилик билан енгилади. Яъни, жаҳлни жаҳл билан эмас, ақл билан енгиш керак бўлади. Нечоғли мушкул бўлмасин, жаҳолат арслонини енгиб, маърифат маликасига эришишнинг энг тўғри ва энг ишончли йўли мана шудир.

Р. ОТАУЛИ.

ФЕВРАЛЬ

ДУШАНБА, 20

ЎзТВ I

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 Мультфильм.
18.25 "Мулкдор".
18.55 Эълонлар.
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 "Осойишталик посбонлари". Республика Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар қилади...
19.40 Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси эстрада-симфоник оркестрининг концерти.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Кино ва болалар".
21.50 "Унутилмас сатрлар". Мискин.
22.30 Муборак Рамазон туҳфаси. "Муҳаммадур Расулуллоҳ". Кўп қисмли телевизион бадиий фильм премьераси. 21-қисм (Миср Араб Республикаси).
23.15 – 23.40 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

"Тошкент" студияси

таништиради:
18.30 Болалар учун. "Кўзмунчоқ".
19.00 "Излаган имкон топади".
19.30 Шифокор билан мулоқот.
20.15 "Шоҳсупа сари".
20.45 – 23.00 "Жар". Бадиий фильм. 1 – 2-сериялар.

ЎзТВ III

18.10 – 19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 "Мультфильм".
19.55 "Ёшлик" студияси. "Меҳр".

*

"ОМАД" таништиради:

20.30 "Совға".
21.00 "4/8". Мусиқий кўрсатув.
21.15 Жаҳон географияси.
22.05 "Панорама".
22.35 Эълонлар.
22.40 Видео – "О".
00.20 Эълонлар.
00.25 "Курьер".
00.35 "...яна об-ҳаво ҳақида".
00.55 "Постфактум".
01.05 – 01.25 Жаҳон янгиликлари ("Эй-Би-Си").

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 "Япония А. Калошин билан".
18.30 "50 йил муқаддам ушбу кунларда".
18.50 Янгиликлар.
19.00 "Тиғиз пайт".
19.30 "Шаддод Роза". Телесериал (Мексика).
19.55 "Э. Хемингуэй билан бир кун". Г. Боровикнинг муаллифлик кўрсатуви.
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 "Время".
21.40 – 21.55 "Спорт уик-энди".

СЕШАНБА, 21

ЎзТВ I

7.00 – 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

9.00 Буюк Ғалабанинг 50 йиллигига. "Кичик сержант". Бадиий фильм.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Физика.
11.00 Немис тили.
11.20 "Чимён, йил фасллари". Телефильм.
11.30 Ўқув кўрсатуви. Адабиёт.
12.00 "Ёшлик" студияси. "Фахрийлар – фахримиз".
12.30 – 14.30 "Синов даври". Видеоканал.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Суварак". Мультфильм.
18.20 "Маърифат бешиги". Тошкент Давлат университетининг 75 йиллигига.
18.55 Эълонлар.
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 Мусиқий дақиқалар.
19.40 "Санъат олами".
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Олий Мажлис: у қандай бўлади?"
21.20 Ўзбекистон халқ ҳофизи Очилхон Отахонов куйлайди.
22.30 Муборак Рамазон туҳфаси. "Муҳаммадур Расулуллоҳ". Кўп қисмли телевизион бадиий фильм премьераси. 22-қисм.
23.10 – 23.35 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

"ОМАД" таништиради:

18.30 "Мультфейерверк".
19.00 "Жаҳон ҳайвонот боғлари".
19.20 Янгиликлар.
19.25 "Хусусийлаштириш: қадам-бақадам".
19.45 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
20.10 Видеогид.
20.30 "Теле-ателье-шоу".
20.40 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
21.20 "Кинонигоҳ".
23.00 – 23.20 Жаҳон янгиликлари ("Эй-Би-Си").

ЎзТВ III

18.10 – 19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 "Мультфильм".
19.55 "Ёшлик" студияси. "Гул ва қурол..."
20.25 "Санта-Барбара". Телевизион бадиий фильм.

*

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

21.15 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиликлари.
21.35 "Дурдаршн" телекомпаниясининг кўрсатувлари.
22.35 "Туризм маршрутлари бўйлаб".
23.15 "Юксалиш".
23.50 – 00.10 "Би-Би-Си" янгиликлари.

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

6.30 – 9.00 "Тонг".

***

18.00 "Кўхна майдон сири".
18.30 "СБ" жумбоғи".
18.40 "Ҳужжатлар ва тақдирлар".
18.50 Янгиликлар.
19.00 "Тиғиз пайт".
19.30 "Шаддод Роза". Телесериал.
19.55 "Мавзу".
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 "Время".
21.40 "Илк манбадан".
21.55 "Гол".
22.25 – 23.10 1995 йил қушиқлари.

ЧОРШАНБА, 22

ЎзТВ I

7.00 – 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

9.00 "Травканинг саргузашти". Бадиий фильм.
10.05 "Олтин водий куйчиси". Фильм-концерт ("Ўзбектелефильм").
10.30 Ўқув кўрсатуви. Умумий биология.
11.00 Анвар Эшонов. "Жанггоҳларда қолган жонлар". Адабий композиция.
11.40 Янги алифбони ўрганамиз.
12.10 Ер ва диёр тароналари.
12.40 – 14.40 "Ёшлик" видеоканали.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Жасур чўпон бола". Мультфильм.
18.20 "Тафаккур" журнали – меҳмонимиз.
18.45 Спорт хабарномаси.
18.55 Эълонлар.
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 "Хотира". Шарофуддин Шарипов.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.
20.55 Эълонлар.
21.00 Ўзбекистон телевидениесида вилоят студияларининг кўрсатувлари. "Экранда – Жиззах вилояти".
21.40 Юнус Ражабий номидаги мақом ансамбли ижросида Навоий ғазаллари билан айтиладиган ашулалар.
22.30 Муборак Рамазон туҳфаси. "Муҳаммадур Расулуллоҳ". Кўп қисмли телевизион бадиий фильм премьераси. 23-қисм.
23.15 – 23.40 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

"Тошкент" студияси

таништиради:
18.30 "Ўз ҳақингда гапир..."
19.00 "Бизнес-банк".
19.15 "Ёдингдами, дўстим..."
19.30 "Оқ соя".
20.00 "Ҳамкасблар".
20.30 "Тошкент оқшомида".
21.30 – 22.20 "Фильмлар ва тақдирлар". Кинокўрсатув (рус тилида).

ЎзТВ III

18.10 – 19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 "Мультфильм".
19.55 "Истиқлол ва мафкура".
20.25 "Санта-Барбара". Телевизион бадиий фильм.

*

"ОМАД" таништиради:

21.15 – 00.15 "Спорт қитъаси".

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

6.30 – 9.00 "Тонг".

***

18.00 Эфирда – Давлатлараро "Мир" телерадиокомпанияси.
18.45 "Ким аслида ким?". XX аср. Ф. Порше.
18.50 Янгиликлар.
19.00 "Тиғиз пайт".
19.30 "Шаддод Роза". Телесериал.
19.55 "Кинопанорама".
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 "Время".
21.40 "Монолог".
21.55 – 23.15 Буюк Ғалабанинг 50 йиллигига бағишланган концерт.

ПАЙШАНБА, 23

ЎзТВ I

7.00 – 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

9.00 Буюк Ғалабанинг 50 йиллигига. "Огинский полонези". Бадиий фильм.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Физика.
11.00 Қўчқор Бекмуродов. "Шеърият – эзгу эҳромим".
11.20 Инглиз тили.
11.50 Чолғу куйларидан кон-церт.
12.20 "Ҳуқуқингизни биласизми?"
12.40 – 14.40 "Биз танлаган йўл". Видеоканал.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 Мультфильм.
18.25 "Миразиз куйлаганда". Фильм-концерт ("Ўзбектелефильм").
18.55 Эълонлар.
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 "Мерос". Ўзбекистон халқ шоири Чархий таваллудининг 95 йиллигига.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.
20.55 Эълонлар.
21.00 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сессиясида.
21.40 "Адолат қомуси". Ҳужжатли-публицистик видеофильм премьераси.
22.10 "Бир жуфт қўшиқ".
22.30 Муборак Рамазон туҳфаси. "Муҳаммадур Расулуллоҳ". Кўп қисмли телевизион бадиий фильм премьераси. 24-қисм.
23.10 – 23.35 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

"Омад" таништиради:

18.30 "ОМАД" тақвими.
18.35 "Жозиба".
18.55 "Бир шингил ҳангома".
19.05 "Ишингиз бароридан келсин!"
19.20 "Муҳаббатга ошно қалблар".
19.40 "Теле-ателье-шоу".
19.50 Видео янгиликлари.
20.15 Янгиликлар.
20.20 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
21.05 "Кинонигоҳ".
22.45 – 23.05 Жаҳон янгиликлари ("Эй-Би-Си").

ЎзТВ III

18.10 – 19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 "Мультфильм".
19.55 "Бевосита мулоқот".
20.40 "Бу бўстон аро..."
21.15 Эстрада калейдоскопи.

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

21.55 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиликлари.
22.15 – 23.15 "Дурдаршн" телекомпаниясининг кўрсатувлари.

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

6.30 – 9.00 "Тонг".

***

18.00 "...16 ёшгача ва ундан катталар".
18.35 "50 йил муқаддам ушбу кунларда".
18.50 Янгиликлар.
19.00 "Тиғиз пайт".
19.30 "Шаддод Роза". Телесериал.
19.55 "Эслаб, излаб". К. Шульженко.
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 "Время".
21.35 "Москва, Кремль".
22.00 – 23.35 "Тирикларни чорлайман". Ғалабанинг 50 йиллигига. "Фронтдан салом". Телевизион бадиий фильм (1983 й.).

ЖУМА, 24

ЎзТВ I

7.00 – 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

9.00 "Айтайлик, сен капитансан". Бадиий фильм.
10.05 "Ёшлар билан юзма-юз".
10.45 "Сиҳат-саломатлик" почтасидан.
11.15 Немис тили.
11.35 "Бир дунё болалармиз".
12.05 Дутор ва танбур тароналари.
12.35 Футбол. "Пахтакор-79" хотира турнири.
13.25 – 14.00 "Актёрлар ва роллар". Ҳамза номидаги Қўқон мусиқали драма театри актрисаси Саодат Сайфуддинова.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 Мактаб ўқувчилари учун. "Дилдан куйлаб, ўйна қувнаб..."
18.35 "Умид". Ҳужжатли фильм. Премьера.
18.55 Эълонлар.
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 "Фан уфқлари".
19.50 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар".
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.
20.55 Эълонлар.
21.00 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сессиясида.
22.30 Муборак Рамазон туҳфаси. "Муҳаммадур Расулуллоҳ". Кўп қисмли телевизион бадиий фильм премьераси. 25-қисм.
23.15 Ўзбек куйларидан кон-церт.
23.50 – 00.15 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

"Тошкент" студияси таништиради:

18.30 Болалар учун. "Учқун".
19.00 "Самарали изланишлар".
19.30 "02" тўлқинида.
19.55 "Билиб қўйган яхши".
20.20 "Рақслар қанотида".
20.40 – 22.50 "Тонг олдида". Бадиий фильм. 1-2-сериялар.

ЎзТВ III

18.10 – 19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 "Мультфильм".
19.55 "Ислоҳот ва масъулият".
20.25 "Санта-Барбара". Телевизион бадиий фильм.

"ОМАД" таништиради:

21.15 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
21.55 "Кимга қанақа?"
22.35 "Даракчи".
22.45 Эълонлар.
22.50 Видео – "О".
00.30 – 00.50 Жаҳон янгиликлари ("Эй-Би-Си").

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

6.30 – 9.00 "Тонг".

***

18.00 "Инсон ва қонун".
18.30 "50 йил муқаддам ушбу кунларда".
18.50 Янгиликлар.
19.00 "Бомонд".
19.25 "Шаддод Роза". Телесериал.
19.50 "Мўъжизалар майдони".
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 "Время".
21.40 "Ҳафтанинг машҳур кишиси".
22.05 – 23.10 "Детективлар клуби"да. "Машҳур детективлар". Телевизион бадиий фильм. 1-фильм – "Месье Лекок" (Франция, Швейцария, Германия).

ШАНБА, 25

ЎзТВ I

7.00 – 9.0 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

9.00 "Ким топди?" Телевизион кўриктанлов.
10.10 "Соғлом авлод учун".
10.30 Исо Меликзода. "Ўзганинг онаси". Телеспектакль.
11.25 "Фарзанд – умид юлдузи".
11.55 "Оталар сўзи – ақлнинг кўзи" почтасидан.
12.55 Ҳамза номидаги мусиқа билим юрти талабаларининг концерти.
13.35 "Мавсум тараддуди". "Пахтакор" клуби вакиллари билан учрашув.
14.25 – 16.25 "Тимсол" видеоканали.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Болалар учун. "Эртаклар – яхшиликка етаклар..."
18.30 "Алпомиш авлодлари".
18.45 Спорт хабарномаси.
18.55 Эълонлар.
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 Лирик концерт.
20.00 "Ўзбекистон янгиликлари" (инглиз тилида).
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Санъат усталари". Ўзбекистон халқ артисти Коммуна Исмоилова.
22.00 "Рамазон қўшиқлари".
22.30 Муборак Рамазон туҳфаси. "Муҳаммадур Расулуллоҳ". Кўп қисмли телевизион бадиий фильм премьераси. 26-қисм.
23.10 "Ўзбекистон янгиликлари" (инглиз тилида).
23.20 "Тунги ёғду". Дам олиш кинодастури.

ЎзТВ II

"ОМАД" таништиради:

9.00 "Мультфейерверк".
9.30 "Жаҳон ҳайвонот боғлари".
9.50 Янгиликлар.
9.55 "Хусусийлаштириш: қадам-бақадам".
10.15 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
10.40 Видеогид.
11.00 "Теле-ателье-шоу".
11.10 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
11.50 "Кинонигоҳ".
13.30 Жаҳон янгиликлари ("Эй-Би-Си").
13.50 – 18.30 "Спорт қитъаси"

*

"Тошкент" студияси таништиради:
18.30 Болалар учун. "Табассум".
19.10 "Акс-садо".
19.40 "Антенна".
20.10 "Менинг кўчам..."
20.30 "Маски - шоу".
20.50 "Кинематограф".
22.30 – 22.35 "Хотима".

ЎзТВ III

10.00 Ғалабанинг 50 йиллигига. "Мардлик – мангулик". "Ёшлик" студиясининг видеоканали.

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

12.30 – 13.15 "Вариацияли мавзу".

***

18.10 – 19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 "Мультфильм".
19.55 "Фазилат".

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

20.30 "Рангинкамон" (тожик тилида).
21.15 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар".
21.40 "Мусиқий жилолар".
22.05 "Би-Би-Си" янгиликлари.
22.20 "Ўзбекистон – қадрдон уйимиз". Украин ва белорус қўшиқларидан кон-церт.
23.20 – 23.35 "Си-Эн-Эн" янгиликлари.

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 "Брэйн ринг".
18.50 "Улкан сайёра".
19.45 "Бешинчи бурчак". Телесериал. 3-серия ("Коламбия пикчерс").
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 "Время".
21.45 – 22.45 "Каин ва Авель". Телесериал. 3-серия ("Коламбия пикчерс").
22.45 – 23.25 "Зиновий Гердт ҳикоя қилади..." Ҳажвий кўрсатув.

ЯКШАНБА, 26

ЎзТВ I

7.00 – 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

9.00 "Қувноқ стартлар".
9.40 "Қоши қаро қундузмисан?" Эгамберди Тўраев.
10.00 "Ёшлик" студияси. "Ватанимга хизмат қиламан".
10.30 "Табаррук қадамжолар..." Адабий кўрсатув.
10.50 А. Фитрат. "Абулфайзхон". Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли.
12.20 "Кино таҳририяти" почтасидан.
13.05 Футбол. "Пахтакор-79" хотира турнири.
13.50 – 15.50 "Санъат сеҳри". Видеоканал.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Мактаб ўқувчилари учун. "Ўйла! Изла! Топ!"
18.55 Эълонлар.
19.00 "Ҳафтанома" (рус тилида).
19.30 Эълонлар.
19.35 "Ойнаи жаҳонда..."
19.55 "Кинокўзгуда акс этган санъат". Кинокўрсатув.
20.25 Эълонлар.
20.30 "Ҳафтанома".
21.00 Эълонлар.
21.05 ЎзТВ хазинасидан. "Назм ва наво". Машраб лирикаси.
22.30 Муборак Рамазон туҳфаси. "Муҳаммадур Расулуллоҳ". Кўп қисмли телевизион бадиий фильм премьераси. 27-қисм.
23.10 – 23.40 "Ҳафтанома".

ЎзТВ II

"ОМАД" таништиради:

10.00 "Омад" тақвими.
10.05 "Жозиба".
10.25 "Бир шингил ҳангома".
10.35 "Ишингиз бароридан келсин".
10.50 "Муҳаббатга ошно қалблар".
11.10 "Теле-ателье-шоу".
11.20 Видео янгиликлари.
11.45 Янгиликлар.
11.50 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
12.35 "Кинонигоҳ".
14.15 – 14.35 Жаҳон янгиликлари ("Эй-Би-Си").

***

17.00 "Совға".
17.30 "4/8". Мусиқий кўрсатув.
17.45 Жаҳон географияси.
18.35 Эълонлар.
18.40 Видео – "О".
20.20 Эълонлар.
20.25 "Курьер".
20.45 "... яна об-ҳаво ҳақида".
20.55 "Постфактум".
21.05 Жаҳон янгиликлари.
21.25 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари.
21.35 "Панорама".
22.05 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
22.15 "Даракчи".
22.25 Эълонлар.
22.30 – 00.10 Видео – "О".

ЎзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

9.00 Мультфильмлар.
9.40 "Жонли сайёра".
10.00 "Олтин атиргул" ғори". Кўп серияли телевизион бадиий фильм (Италия). 5-серия (рус тилида).
10.50 "Коллекция".
11.10 "Ташрифлар ва таклифлар".
11.40 "Мюзик-холл".
12.00 Кинематограф".
13.40 – 13.45 "Хотима".

***

18.10 – 19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 "Ёшлик" студияси. "Ёшлик оқшоми".

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

20.20 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар".
20.45 "Дурдаршн" телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.45 "Би-Би-Си" янгиликлари.
22.00 "Бу ажиб дунё".
22.20 – 22.45 "Си-Эн-Эн" янгиликлари.

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

17.30 "Саёҳатчилар клуби".
18.15 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.30 "Уолли қаерда?", "Чипмансларнинг саргузаштлари". Мультфильмлар.
19.35 "Бутун Россия".
20.05 Луи де Фюнес ва Жан Марэ "Ғазаби қўзиган Фантомас" бадиий фильмида (Франция, 1965 й.).
22.00 – 22.50 "Якшанба". Ахборот-публицистик кўрсатуви.

«Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз" дастуридан.

Табриклаймиз

"МЕРСЕДЕС-БЕНЦ" автомобиль фирмасининг ҳудуддаги расмий вакили — "ШАРҚ ЮЛДУЗИ" Ўзбекистон-Германия қўшма корхонаси жамоаси корхонанинг бош директори РИЗО ҲАСАНИЙни туғилган куни билан чин юракдан табриклайди.

Сизга мустаҳкам соғлиқ, гўзал рафиқангиз ГЕРТРУД хоним билан биргаликдаги ҳаётингизда оилавий бахт тилайди. Бизнес соҳасидаги муваффақиятингиз гуллаб яшнайверсин !

Сўнгги саҳифа

Шоир ва драматург Ҳайдар МУҲАММАД "Хотинлар гапидан чиққан ҳангома", "Куёвлар конкурси", "Ҳазилкаш шоҳ", "Сеҳргар ва айёр" каби қатор саҳна асарларининг муаллифи. Унинг ҳажв ва юморга бой бу асарлари ҳозирги кунда республикамизнинг маркази ва вилояти театрларида муваффақият билан намойиш этилмоқда. Шунингдек унинг сценарийси асосида суратга олинган "Темир эркак" бадиий фильми кино шинавандаларига маъқул ва манзур бўлаётир.

Ҳайдар МУҲАММАД шеърий ҳажвия жанрида ҳам кўпдан қалам тебратиб келади. Унинг интермедия, латифа, кулгили қатраларини "Табассум" радиостудияси орқали кўп эшитгансиз, "Муштум" журнали ва "Ишонч" газетамиз саҳифаларида ҳам ўқигансиз. Бугун қуйида бир неча янги ёзилган ҳажвия ва ҳазил шаърлари билан танишасиз.

...ЛАНДИ...ЛАНДИ

Бир улфатда ичкилик ичкиликка уланди,
Кимдир қулаб йўлакка нақ балчиққа беланди.
Дўстнинг қўзиб гинаси ошнасига тезланди.
Мушт тушдию лунжига, ҳақоратга бўғланди.
Ланди...Ланди...Ланди
ана шундан бошланди.
Милиция сўроқлаб, панжарага ташланди,
Кимнинг кўзи олайиб, кимнинг кўзи ёшланди.
Бу ножўё қиликдан қанча бошлар қашланди.
Ошноларнинг сараси ана шунда эланди.
...ланди...ланди...ланди
ана шундан бошланди.
Дўсту улфат соз бўлса бошланмасди бу ланди.
Ҳар гапга тороз бўлса бошланмасиди бу ланди.
Майга эътироз бўлса бошланмасди бу ланди.
На чораки бу улфат бир муштдан парчаланди.
...ланди...ланди...ланди
ана шундан бошланди.

ДАНГАСАМАН

Дангасаман дангаса,
Ош ичаман беш коса,
Касал бўлиб қоламан
Биров ишга буюрса.
Илғорларнинг ишига,
Тиркаламан ҳамиша,
Мени четга қўйишмас
Мукофотлар олишса.
Далалар йўли сўқмоқ.
Мени ишим гап суқмоқ.
Иш бўлса бир гап бўлар.
Гап сотайлик кел, ўртоқ.
Қозон қайнар биқирлаб,
Қизлар кулар қиқирлаб,
Қизлар ўйин тушганда
Мен тураман шиқирлаб.
Дангасаман дангаса,
Ош ичаман беш коса.
Касал бўлиб оламан
Биров ишга буюрса.

УЧАСТКАМ

Сени тикладим-у, ўзим букчайдим,
Сени силлиқладим, ўзим бужмайдим.
Кимгадир ялиндим, кимга чақчайдим
Сен уруғ-аймоғим, укам ва акам,
Сенга сиғинаман, менинг участкам.
Бир бўлган иморат бўлсин дедим мен.
Орзулик бу кўнглим тўлсин дедим мен.
Хотиним керилиб юрсин, дедим мен,
Кўрганлар десин деб, "Яна бир кўрсам",
Гул билан безадим, сени участкам.
Сени лой сувоқ эмас, пул сувоқ қилдим,
Ўзим қорайдим-у, сени оқ қилдим,
Тоши-пештоқингни зар бўёқ қилдим,
Ҳамон битмагайсан пул ютар эркам,
Сени "сиз" сирайман, менинг участкам.
Ўзим пайпоқ олмадим, сенга ғишт олдим,
Дам олиш қаёқда, ботмон иш олдим.
Хотинга минғир-минғир ҳам ғиш-ғиш олдим,
Ҳали этинг ёқмай қолар, ҳали бетинг кам,
Мунча нағмакорсан, менинг участкам.
На овқатда сифат-у, на пулда барака,
Туну-кун сени деб бўлур ҳаракат.
Баъзан қолиб кетар тўю-маърака,
Суваб юбордимми одамликни ҳам,
Мунча сеҳргарсан, менинг участкам.

Ҳайдар МУҲАММАД.



Болажонлар, севмоқ сизни қилмас кифоя,
Мушкуллардан қилсак деймиз ҳимоя.

УЛУҒ АДИБГА БАҒИШЛАНАДИ

Жиззах вилоятида академик Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек таваллудининг 90 йиллиги кенг нишонланмоқда. Вилоят ҳокимининг фармойишига биноан Жиззах вилоят педагогика институтида тантанали кеча, Политехника институтида эса илмий-амалий анжуман бўлади.

Шу кунларда вилоят шаҳарлари, туманларида улуғ адиб ва олим ҳаёти ҳамда ижодига бағишланган илмий анжуманлар, адабий кечалар, учрашувлар ўтказиш бошлаб юборилди. Мактабларда, кутубхоналарда китоб кўргазмалари ташкил қилинди.

Ойбек таваллудига бағишланган тадбирларни ўтказишда туман, шаҳар ҳокимликлари, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасининг вилоят бўлими, ўрта махсус ўқув юртлари, маданият муассасалари фаоллик кўрсатмоқда.

Алибой ЭРГАШЕВ,
"Ишонч" мухбири.

СИНЧКОВЛИГИНГИЗНИ СИНАБ КЎРИНГ

Олдинги икки доирачадаги учтадан сонлар бўйсунадиган қонуниятни топсангиз, учинчи доирадаги бўшлиқни тегишли рақам билан тўлдириш унча мураккаб эмаслигига ишонч ҳосил қиласиз.





Бу ерда учта қулоқсиз қуёнлар ва учта қулоқ расми чизилган. Уларни бошқа қоғоз варағига чизиб, қирқиб олиб шундай жойлаштирингки, ҳар бир қуённинг иккитадан қулоғи бўлсин.

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН
КАСАБА УЮШМАЛАРИ
ФЕДЕРАЦИЯСИ
КЕНГАШИ

Бош муҳаррир

Саидакром САИДВАЛИЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Акмал АКРОМОВ
(бош муҳаррир ўринбосари),
Рустам АБДУРАЗЗОҚОВ,
Абдуманнон АЛИМБОЕВ,
Дилбар ЖАҲОНГИРОВА,
Турғунбой МАДИЁРОВ,
Турғун НАЗАРОВ
(масъул котиб),
Муҳаммаджон ОТАҚУЛОВ,
Муҳайё ТЎЛАГАНОВА,
Раъно УБАЙДУЛЛАЕВА,
Баҳодир УМУРЗОҚОВ,
Тўлқин ҚОЗОҚБОЕВ.

• Бош муҳаррир қабулхонаси — 56-25-36
• Бош муҳаррир ўринбосари — 56-52-89
• Масъул котиб 56-52-78

БЎЛИМЛАР

• Касаба уюшмалари ва мухбирлар билан ишлаш — 56-82-79
• Социал адолат, иқтисодий ҳаёт, маданият, маънавият ва хатлар — 56-87-78, 56-87-63
• Ишлаб чиқариш ва хўжалик — 56-85-43
• ВИЛОЯТЛАРДАГИ МУХБИРЛАРИМИЗНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ:
Андижонда — 5-23-10
Бухорода — 3-50-10
Гулистонда — 2-24-98
Жиззахда — 2-31-41
Навоийда — 3-52-99
Наманганда — 6-22-10
Нукусда — 2-44-46
Самарқандда — 35-64-22
Термизда — 2-70-07
Тошкентда — 56-82-79
Фарғонада — 4-28-29
Урганчда — 6-03-40
Қаршида — 5-33-71

• Муҳарририятга келган қўлёзмалар (2 ораликда 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди, фойдаланилмаган хатларга жавоб юборилмайди. Таҳририят воситачилик қилмайди. Мақолалардаги ҳамда реклама ва эълонлардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар ҳамда реклама ва эълон берувчилар зиммасидадир.

• Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган.



• СОТУВДА эркин нархда.
• Жума кунлари чиқади.
• Босишга топшириш вақти — 19.00. Топширилди — 19.00
• Навбатчи масъул:
Жонрид АБДУЛЛАХОНОВ.
• МАНЗИЛИМИЗ:
700165, Тошкент шаҳри,
«Правда Востока» кўчаси, 24-уй.
• Нашр кўрсаткичи: 64560; 64561.
• Газетага 1994 йил 14 январда Ўзбекистон Матбуот Давлат қўмитаси томонидан 5 рақамли гувоҳнома берилган.
• IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Формати А-3, ҳажми 2 босма табоқ.
• «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили. «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. • Буюртма Г-0076
1 2 3 4 5 6

Илми нужум талқинлари

МУНАЖЖИМЛАР ТАЪБИРИ

ДАЛВ (20.01—18.02) ойида туғилганлар учун бу ҳафта омадлидир. Улар режалаштирган ишларни бемалол қилавериш лари мумкин. Умид орзулари амалга ошади. Уйда ҳам бир неча бор хурсандчиликларга шоҳид бўладилар. Айниқса, иқтисод жиҳатидан яхшигина ўзгариш бўлиши мумкин.

ХУТ (19.02—20.03) ойида таваллуд топганлар учун бу ҳафта нахс келиши кутилади. Эҳтиёткор бўлинмаса, кўпдан юз бериши кутилган хавф туғилиши муқаррар. Ишга, ўқишга ва уйга ўз вақтида келиш ва ўз вазифаларини сидқидилдан бажариш билан шуғулланишларни маслаҳат берамиз.

ҲАМАЛ (21.03—21.04) ойи фарзандлари учун бу ҳафтанинг аввалги икки куни нахс аралаш келади. Қолган кунлари эса омадли. Бирон бир нохушлик содир бўлмаслиги учун дастлабки кунлар покликка риоя қилиш лозим. Ҳафтанинг кейинги кунлари ҳар соҳада яхшиликлар кулиб боқади. Хусусан, савдо-сотиқ ва ҳунармандчилик соҳаларида анчагина даромадга эга бўлишади.

САВР (22.04—22.05) ойи фарзандлари учун бу ҳафта оддий. Ортиқча ташвишлар ҳам шодиёналар кишидан йироқроқ бўлиши кутилади. Бу ҳафта сафарга, балиқ овига чиқиш мумкин. Ота-она ва қариндош-уруғларни зиёрат қилиш ҳосиятлидир.

ЖАВЗО (21.05—21.06) ойи фарзандлари учун бу ҳафта хурсандчиликларга бой бўлади. Сафардаги яқинлари келиши, бемор қариндошлар шифо топиши, ҳожатмандларнинг ҳожати ушалиши мумкин. Иқтисодий жиҳатдан ҳам катта ўзгаришлар содир бўлиши кутилади. Шартнома ва битимлар тузиш, янги-янги ишларга қўл уриш ҳам хўп яхши натижа билан тугайди. Лекин буларнинг барчаси ёлғон гапирмасликларига боғлиқдир.

САРАТОН (22.06—22.07) ойи фарзандлари учун бу ҳафта нахс келиши кутилур. Шунинг учун ҳафта ичи уйда бўлмоқлик, ноаниқ ишларга қўл урмаслик маъқул. Хусусан, ўзаро шартнома ва битимлар тузишдан сақланиш зарур. Оилада, эр-хотин, ота-бола ўртасида тушунмовчилик чиқишидан ҳар икки томон ҳам жуда эҳиёт бўлмоқлари даркор. Акс ҳолда ёмон оқибатлар келиб чиқиши эҳтимолдан ҳоли бўлмас.

АСАД (23.07—22.08) ойи фарзандлари учун бу ҳафта омадли келади. Режадаги ишларни бошлайверган маъқул. Бошлиқлар ҳузурига кириш билан боғлиқ ишларда мақсадларга эришишлари мумкин. Муҳаббат борасида ҳам кўп омадли кунлар кутилур. Кўпдан орзиқиб кутилган воқеалар юз беради. Савдо-сотиқ ишларида ҳам ёлғон ва ҳийла ишлатилмаса, албатта катта фойда топилур.

СУНБУЛА (23.08—22.09) ойи фарзандлари учун ҳам бу ҳафта кўп омадли келиши кутилур. Хусусан, уларнинг иш фаолиятларида ўзгаришлар юз бериши, яъни мартабалари улуғланиши, кашфиётлари, илмий ишларида ютуқлар ёр бўлиши кутилур. Ҳафта ичи сафарга чиқиш ва катта маросимлар ўтказиш мумкин. Бева-бечораларга хайр-эҳсон қилишлар ҳам кўп фойдали бўлур.

МЕЗОН (23.09—22.10) ойи фарзандлари учун ҳафтанинг аввалги тўрт куни омадли, қолган кунлари нахс аралаш келади. Шунинг учун режалаштирилган ишларни барвақтроқ бажариб қўйган маъқул. Қолган кунлари эса, яхши ва савобли ишлар билан машғул бўлиш фойдалидир. Ота-онани зиёрат этиш, вафот этганларнинг ҳақларига дуолар қилиш, ҳовли-жой, ариқ, зовурлар, атроф теваракни тозалаш, саришталаш кўп яхши ишдир.

АҚРАБ (23.10—21.11) ойи фарзандлари учун бу ҳафта омадли келиши кутилур. Бу кунларда бошлаган ишлар Аллоҳни амри билан яхши тугайди. Мушкулликлар осонлик билан ҳал бўлади. Оила ва ишхона ёки ўқиш даргоҳларида ўзаро тушунмовчиликлар барҳам топилиши кутилур. Бу кунлар ичи пок бўлиб, ҳар қандай гуноҳ ишлардан сақланиш қатъий талаб қилинади.

ҚАВС (22.11—21.12) ойи фарзандлари учун бу ҳафта тинч ва осойишта ўтади. Вақтни оилага бағишласа, биргаликда дам олинса ёки сафарга чиқилса яхши бўлур. Бундан ташқари ҳар ким ўз соғлигини тиклашга киришса ҳам ёмон бўлмас.

ЖАДДИ (22.12—19.01) ойи фарзандлари учун Иншооллоҳ бу ҳафта омадли келур. Қўлларига яхшигина маблаг тушиши кутилур. Сафарга чиқмоқ, бошлиқлар ҳузурида бўлмоқ натижаси хуш бўлур. Хусусан, бошлаган савдо-сотиқлари, ишлаб чиқариш жараёнларида фойда кўп бўлур. Бу ҳафта ичи бузуқчиликка берилиш, бировнинг дилини оғритишдан қатъий ҳазар қилмоқ даркор. Валлоҳу аълам.